Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 25 (19.993) • 1988 йил 30 январь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 28 январь куни бўлиб ўтган мажлисида партия билан ҳукуматнинг хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга оид қарорлари қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Ресурс тежашни халқ хўжалигининг электр энергияга, ёқилғи, металлга, бошқа турдаги хом ашё ва материалларга ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаига айлантириш ҳақида партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифа ҳозирги вақтда айниқса актуал бўлиб қолди. Лекин бир қанча министрлик ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, қўпгина корхона ва бирлашмалар ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини эътиборга олмаяптилар, ишни хафсаласизлик, ташаббуссизлик билан ўтказмоқдалар, бу ишни рағбатлантиришнинг иқтисодий омилларидан дуруст фойдаланмаяптилар. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга материал ва энергия сарфи белгиланган топшириқлардан ва дунёдаги даражадан анча ошиб кетмоқда.

Ресурс тежайдиган техникани ва янги технологияни яратиш ва кенг оммалаштириш соҳасидаги илғор тажрибага етарли баҳо берилмаяпти. Материал сарфланиши ва энергия ишлатилиши жиҳатидан замонавий талабларга мос келмайдиган янги асбоб-ускуналар, машина ва механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш учун топшириш давом этмоқда. Иккиламчи ресурслардан кенг фойдаланишга муносиб эътибор берилмаяпти, бу соҳада катта резервлар бор.

Министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига халқ бойлигидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан энг зарур иқтисодий, ташкилий, техникавий, тарбиявий тадбирларни амалга ошириш ҳамда ресурс тежаш, ишлаб чиқаётган маҳсулотга материал сарфини камайтириш юзасидан берилган топшириқларни бажаришда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш таклиф этилди. Туб иқтисодий ислоҳот шароитида тежамкорлик учун кураш ҳар бир хўжалик бўлинмасининг, ҳар бир партия ташкилотининг ишидаги энг муҳим соҳалардан бири бўлиб қолиши керак.

Сиёсий бюро ҳукуматнинг ташқи иқтисодий рекламани тубдан қайта қуришга оид таклифларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ватанимиз моллари ва хизматларининг ташқи бозордаги рақобат қобилиятини оширишнинг самарали воситаси бўлмиш рекламанинг ролини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Ташқи иқтисодий реклама соҳасида пул билан таъминлашни такомиллаштириш, материал-техника базани ривожлантириш ва фаолиятни рағбатлантириш тадбирлари белгиланди. Министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, СССР Савдо-саноат палатасининг алоҳида диққат-эътибори бу ишдаги аҳволни тубдан ўзгартириш зарурлигига қаратилди.

Сиёсий бюро ВЦСПС, Фан ва техника давлат комитети, СССР Фанлар академияси ва Бутуниттифоқ илмий-техника жамиятлари кенгашининг СССР Илмий ва инженерлик жамиятлари союзини таъсис этиш тўғрисида кенг жамоатчилик доиралари фикрига асосланган таклифини қўллаб-қувватлади. Бу масалани илмий-техника жамиятларининг бўлғуси VII Бутуниттифоқ съезди муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи муассасаси (ЮНЕСКО)даги иштироки самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди. СССРнинг БМТ мана шу йирик ихтисослаштирилган муассасаси доирасидаги актив фаолияти гуманитар соҳадаги ҳамкорлик учун янги муҳитни вужудга келтиришга, жаҳон сиёсатида аҳлоқий-маънавий негизларни қарор топтиришга, ялпи умумбашарий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоғи лозимлиги уқтириб ўтилди. Ядро қуролини қисқартириш ишида дастлабки реал натижаларга эришилган пайтда бу иш айниқса муҳимдир. ЮНЕСКО дунёдаги интеллектуал ҳамкорликнинг ҳақиқий маркази бўлиб қолиши, халқларнинг маданий бойликлари емирилишининг олдини олиши, унинг ҳуқуқ доирасига кирадиган соҳаларда жаҳон миқёсида энг янги ютуқларни оммалаштиришга кўмаклашиши лозим.

Сиёсий бюро Н. И. Рижковнинг Швеция Бош министри И. Карлссон ва Норвегия Бош министри Г. Харлем Брундтланд билан шу мамлакатларга қилинган визитлар вақтида ўтказган музокаралари, Швеция ва Норвегиянинг бошқа сиёсат ҳамда жамоат арбоблари, савдо-саноат доираларининг намояндалари билан суҳбатлари якунларини маъқуллади. Энг муҳим халқаро масалалар хусусида, дунёдаги янги қулай тенденцияларни баҳолашда Швеция билан ҳам, Норвегия билан ҳам анчагина юқори ҳамжиҳатлик даражасига эришилди.

М. С. Горбачевнинг 1987 йил октябрида Мурманскда илгари сурган ҳамда СССР Министрлар Совети Раисининг Швецияга ва Норвегияга қилган визити чоғида аниқлик киритилган ташаббуслари ҳарбий-сиёсий ва гражданлик жиҳатларини амалий ишларда рўёбга чиқариш мақсадида иккала мамлакат билан сиёсий мулоқотни ва барча поғоналардаги алоқаларни фаол ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Кола ярим оролининг минерал ресурсларидан фойдаланиш, соҳил яқинидаги денгизлар тубидан нефть ва газ қазиб олиш соҳасидаги, бошқа соҳалардаги кенг миқёсли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида шу мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни, жумладан бошқа шимолий мамлакатлар билан кооперациялашиб кенгайтириш муҳимлиги мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп «Родина» журналини нашр этиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Журналнинг бош вазифаси — ёшларга тарихий, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясини беришдан, Коммунистик партиянинг, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини тарғиб қилишдан иборат. Журнал 1988 йилнинг ўрталаридан бошлаб «Правда» газетасининг нашри тарзида чиқарилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партиямиз ва давлатимиз иқтисодий ва социал сиёсатининг, шунингдек ташқи сиёсий фаолиятининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг ахбороти

БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1987 йилги Давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида

I. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажара бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи йилида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларини янада ўстиришни таъминладилар. Халқ фаровонлиги ошди. Туб иқтисодий ислоҳот амалга оширилди, янги хўжалик механизми жорий этилди.

Саноатда ёқилғи-энергетика ва металлургия комплекслари барқарор ишлади. Машинасозлик маҳсулотини янгилаш жадаллашди. Агросаноат комплексида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Социал проблемаларни ҳал этишга кўп эътибор берила бошлади.

Айни вақтда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида белгиланган топшириқларни бажаришда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этишга муваффақ бўлинмади. Ишлаб чиқаришни муттасил ва барқарор ўстириш таъминланмади. Фан ва техника ютуқлари халқ хўжалигига суст суръатлар билан жорий этилмоқда. Шартномалар юзасидан олган мажбуриятларини бажармаётган саноат корхоналари ҳали ҳам кўп. Анчагина корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи мушкуллигича турибди. Ўтган йили машинасозлик, енгил саноатнинг, айниқса, маҳсулот сифатини ошириш соҳасидаги ишида туб яхшиланиш рўй бермади. Аҳолининг товарларга ва хизматларга бўлган талаби тўла-тўкис қондирилмаяпти. Капитал қурилишда, транспорт ишида катта камчиликлар содир бўлиб турди.

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги асосий кўрсаткичлари ўсиш суръатлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди: (Процент ҳисобида)

	1986 йил план базасига нисбатан		1986 йилги амалдаги даражага нисбатан
	планда	амалда	
Ҳосил қилинган миллий даромад	6,2	—5,8	0,8
Саноат маҳсулоти — жами	4,9	4,0	2,3
шу жумладан:			
Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	4,2	3,3	1,4
Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	7,2	5,6	4,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	3,8	—9,1	—1,9
Давлат капитал маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга туширыш	—2	—14	2
Давлат капитал маблағ сарфлаш	4	—0,1	3
Ижтимоий меҳнат унумдорлиги	3,1	—7,0	—0,4
Ишчи ва хизматчилар сони	2,6	1,6	2,0
Халқ хўжалигидаги фойда	11,0	12,3	0,4
Аҳолига ижтимоий истеъмол фондларидан берилган тўловлар ва имтиёзлар	5,2	5,5	4,5
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	1,5	—5,4	—2,6
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти (амалдаги нархларда)	1,6	—4,6	—1,2
шу жумладан:			
Алкоголли ичимликлар сотиш ҳажмидан ташқари	6,5	—0,02	0,01
Пулли хизматлар	12,4	—0,1	9,2
Давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан фойдаланиш учун топширилган уй-жой биноларининг умумий саҳни	5	7	9
Ҳосил қилинган миллий даромад	21,3 миллиард сўмни (амалдаги нархларда) ташкил қилди.		

Моддий харажатларни тежаш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаганлиги, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг кўпайиши орқада қолганлиги, ташқи савдодан олинган тушумлар камайганлиги ва алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш қисқарганлиги ўсиш суръатларининг планга нисбатан камайишига сабаб бўлди. **Саноат маҳсулоти** аввалги йилга нисбатан 0,5 миллард сўмлик кўпайиб, 23,7 миллиард сўмликни ташкил этди. 9,8 миллиард сўмлик ёки ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик даражадан 332 миллион сўмлик ёки 3,3 процент кам **қишлоқ хўжалиги маҳсулоти** олинди. Халқ хўжалигидаги ФОЙДА кўпайди. Саноат маҳсулотининг ва қурилиш-монтаж ишларининг таннархи камайди. Бироқ ва министрлик ва идоралар таннархни камайтириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминламадилар. Саноатдаги кўпгина ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари, пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари молиявий натижалар юзасидан белгиланган планларни бажармаяптилар. Кўпгина корхоналар зарар кўриб ишлади.

II. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Фан-техника тараққиётининг турли соҳаларида тадқиқотлар ва ишланмалар ўтказилди.

Илм-фанга Давлат бюджетидан қилинган харажат кўпайди.

Халқ хўжалигида 10 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб турибди.

Илмий ва илмий-педагог кадрлар сони 36,3 минг кишини ташкил этди.

Илмий ва конструкторлик ташкилотларининг тажрибаэксперименталь базасини ривожлантириш ҳамон орқада қолмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Главташкентстрой» фан ва техникани ривожлантириш планини бажармади.

Халқ хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш аппарати такомиллаштирилди.

6,8 миллиард сўмлик асосий фондлар, шу жумладан 4,5 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди.

Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга 1,2 миллиард сўм ёки аввалги йилга нисбатан 17 процент кўп давлат капитал маблағидан фойдаланилди. Шу мақсадлар учун ажратилган капитал маблағнинг 92 проценти ўзлаштирилди. Уларнинг жами ҳажмидан 26 процентини корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағлари ташкил қилди.

1987 йилда САНОАТДА 240 та механизациялаштирилган поток ва автомат линия, 70 та саноат роботи, рақамли программа асосида бошқариладиган 158 та металл қирқиш станоги ўрнатилди, 187 та участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга ўтказилди.

Маҳсулотнинг 113 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бошланди.

Ғўзанинг, донли экинларнинг, сабзавот-полиз, мева ва резавор-мева экинларининг интенсив технологияга мос келадиган янги навларини яратиш, мавжуд уч ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиёти комплекс программасига мувофиқ, инсон зардобидаги гепатитни аниқлайдиган жамики реактивларни тайёрлаш плани ошириб бажарилди, бу эса касалликни аниқлашни жадаллаштириш имконини беради.

Машинасозлик комплексида умумий саноат маҳсулотини янгилашнинг планда белгиланган суръати ошириб бажарилди, буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

СССРда биринчи бор ўзлаштирилган маҳсулотнинг товар маҳсулот ҳажмидаги салмоғи, процент ҳисобида

	1987 йил	
	корхоналарнинг плани	амалдагиси
Жами	9,6	10,5
СССР Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлиги	0,6	24,5
СССР Электротехника саноати министрлиги	4,5	5,3
СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	16,1	17,6
СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги	6,0	6,1
СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги	18,0	19,3
СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги	4,5	1,3

Қатламларнинг нефть самарадорлигини оширишнинг замонавий усулларини қўлланиш ҳисобига нефть қазиб олиш плани бажарилди. Илғор очиқ усулда разрезларда қазиб чиқарилган кўмирнинг жами қазиб олинган кўмир ҳажмидаги улуши 86,5 процентни ташкил этди. Механизациялашган комплекслар ёрдамида кўмир қазиб чиқариш топшириғи бажарилмай қолди.

Электр станцияларининг ўрнатилган қувватидан план топшириқлари даражасида фойдаланилди.

Қуйилган пўлат ҳажмида электр пўлатининг салмоғи 72,5 процентга, заготовкаларни узлуксиз қуювчи машиналардан олинган пўлатнинг салмоғи эса 73,2 процентга етди.

Маҳсулотнинг айрим самарали турлари, шу жумладан синтетик тола ва ипларнинг химиявий тола ва иплар ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғи кўпайиб, 73,3 процентга етди.

Агросаноат комплексида 1987 йилда дон учун экилган маккажўхорининг 89 проценти, шолининг 52 проценти интенсив технология асосида етиштирилди. Шу экинларнинг ҳосилдорлиги республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлди.

Қурилишда яхлит темир-бетондан конструкциялар ва иншоотлар яратишнинг илғор усуллари янада оммалашди.

Суперпластификаторлардан фойдаланиб, темир-бетон конструкциялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш, темир-бетон конструкциялари ва маҳсулотлари сифатини назорат қилишнинг барқарор усулларини жорий этиш ҳажмлари ошди.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ

Саноат корхоналари ва бирлашмалари олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш планини 105,3 процент бажарди. Олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажмидаги салмоғи кўпайиб, 43,8 процентни ташкил этди.

Давлат қабули жорий этилган 33 та корхонада қабул этилмаган маҳсулот ҳажми йил давомида 1,3 миллион сўмликни ташкил қилди. 513 минг сўмлик маҳсулот узил-кесил бракка чиқарилди.

(Давоми учинчи бетда).

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

НЕФТЬ ВА ГАЗ РАЗВЕДКА ҚИЛУВЧИ «ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ «ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗГЕОЛОГИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1988 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бирлашма коллективи КПСС XXVII съездининг стратегик йўл-йўриқларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб ва халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги фаолиятни қайта қуриш чора-тадбирларини маъқуллаб, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари ўртага қўйган вазифаларга амалий иш билан жавоб бериш мақсадида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан олган ўз план топшириқлари ҳамда социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

76 тонна қувур, 60 тонна цемент, 20 куб метр ёғочтахта, 60 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 11,1 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди, ана шу ресурслар ҳисобига чуқур ва структуравий-қидирув пармалаш ишларида планга қўшимча равишда 1400 метр қудуқ қазилди, битта пармалаш вишкаси барпо этилди.

32 квартира муддатидан илгари фойдаланишга топширилди, 400 ўринли ёзги кино майдончаси қурилди. Экспедицияларнинг ёрдамчи хўжаликларидан геолог разведкачиларга қўшимча 41,8 тонна гўшт, 32 тонна сут сотилди.

КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини чақириш тўғрисидаги қарорига жавобан, «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўз имкониятларини ҳамда мавжуд резервларни чамалаб кўриб, зиммаларига қўйидаги социалистик мажбуриятни оладилар:

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача муддатидан илгари:

— битта янги газ конденсат кони разведка қилинади ва очилади;

— нефть запасларини ошириш ярим йиллик плани бир неча процент ортиғи билан адо этилади;

— иккита турар жой биноси фойдаланишга топширилади. Геолог-разведкачиларнинг 48 оиласи уй-жой билан таъминланади; Косон шаҳридаги 50 ўринли болалар боғчаси реконструкция қилиб бўлинади;

— тежамкорлик хисобига чуқур ва структуравий-қидирув пармалаш ишларида планга қўшимча равишда 500 метр қудуқ қазилади.

Нефть запасларини ошириш йиллик плани 1988 йилнинг 7 ноябригача бажарилади, пландан ташқари 1200 метр чуқур ва структуравий-қидирув қудуқлари қазилади.

Бирлашманинг А. С. Муҳамадиев, А. Болушев, С. Агишев бошлиқ пармалаш бригадалари ҳамда И. Каримов ва Ш. Тлевмагамбетов бошлиқ қудуқ синаш бригадаларининг ташаббуси кенг оммалаштирилади. Ушбу бригадалар XII беш йиллиқнинг уч йили топширигини Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача бажаришдан иборат ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар.

Инженерлик ечимларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, материал-ресурслар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан белгиланган топшириқдан ташқари яна 75 тонна пўлат қувур, 55 тонна цемент, 50 тонна дизель ёнилғиси, 5 тонна автомобиль бензини, 10 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

1989 йилнинг 1 январидан тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишга ҳозирлик кўра бориб, товар-моддий бойликлар запасларининг энг юқори даражадаги нормативи 180 минг сўм, нефть ва газ разведка ишларининг таннархи 0,5 процент пасайтирилишига эришилади, 1988 йилда планга қўшимча 190 минг сўм фойда олиниши таъминланади, 500 ходим ялпи иқтисодий таълимга жалб этилади, 1520 ишчи, мутахассис ва хизматчи тайёрланиб, уларнинг малакаси оширилади.

Шонли санагача экспедицияларнинг ёрдамчи хўжаликларида қўшимча 25 тонна гўшт ва 20 тонна сут етиштирилиб, геолог-разведкачиларга сотилади.

Бирлашма ходимлари 1988 йил мобайнида социал аҳамиятга молик объектларда камида 4 кун ишлаб бериш мажбуриятини оладилар.

Социалистик мажбуриятлар «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси меҳнат коллективларининг йиғилишларида қабул қилинган.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Масъулиятни кучайтириб

● Меҳнатнинг пировард натижаларига қараб иш ҳақи тўлаш усули Ҳаққулобод йиғиғрув-тўқув фабрикасининг барча ишлаб чиқариш бригадаларида жорий этилди. Янги метод билан ишлаш, мавжуд техник жиҳозлардан ва иш вақтидан оқилкорона фойдаланиш имконини бермоқда. Хом ашё ва материаллар сарфига масъулият билан қараш, маблағлардан ўринли фойдаланишга эътибор кучаймоқда.

Азамат Хурсанов, Муробжон Холиқов, Мирзамаҳмуд Юнусов ва Раҳмонали Сулаймонов бошлиқ бригадалар зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Йиғиғрувчи ва тўқувчилар Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш нияти билан ишламоқдалар.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

29 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов Ҳиндистон республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Трилоки Натх Каулни қабул қилди.

Самимий ва рўй-рост суҳбатда М. С. Горбачев билан Р. Гандининг учрашувидан кейин, улар ядро қуролидан ҳоли ва зўравонликсиз дунёнинг принциплари тўғрисидаги Деҳли Декларациясини имзолаганларидан сўнг янги сифат касб этган Совет — Ҳиндистон муносабатларининг ҳолатидан яқдиллик билан чуқур мамнуният изҳор этилди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга Ўзбекистон меҳнатчилари салмоқли ҳисса қўшаётганликлари уқтириб ўтилди.

Р. Н. Нишонов КПСС XXVII съезди белгилаган қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини ҳал этиш соҳасида республика партия ташкилоти ўтказаётган кўп қиррали ишлар ҳақида гапириб берди. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари, аввало пахтачилик ва чорвачилик самарадорлигини юксалтириш соҳасида кучгайратлар сарфланмоқда, Уй-жой ва Озиқ-овқат программаларини турмушга татбиқ этиш, салбий ҳодисаларнинг оқибатларини тугатиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Анъанавий дўстлик, маданиятларнинг яқинлиги эмас, шу билан бирга тинчлика, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиш ҳам халқларимизни яқинлаштирмоқда, деб таъкидлади Р. Н. Нишонов. Тошкентда Ҳиндистон фани, техникаси ва маданиятига бағишлаб очилган кўргазмалар ҳам шу олижаноб ишга хизмат қилади.

Трилоки Натх Каул мамлакатингизда рўй бераётган қайта қуриш жараёни менда катта таассурот қолдирди, бу ерда иқтисодий муаммолар билан бир қаторда ўткир социал масалалар ҳам ҳал этилмоқда, деди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликни айниқса, биргаликда корхоналар барпо этиш, биргаликда илмий-тадқиқотлар ўтказиш негизида кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Ҳамкорликка, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги куч-гайратларни бирлаштиришга ўзаро тайёрлик тасдиқланди.

Суҳбатда Ҳиндистоннинг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси Вина Сакри, Ҳиндистон республикасининг Тошкентдаги Бош консули Йогендра Кумар, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. Қ. Қурбонов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

«ФОБОС»: УЧИШ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

СССР Фанлар академиясининг космик тадқиқотлар институтида 29 январь куни «Фобос» космик лойиҳасига бағишланган халқаро илмий-техникавий кенгаш ўз ишини тамомлади. Маълумки, лойиҳадан мақсад —Марсни, унинг йўлдоши Фобосни, планеталараро фазони ва Қуёшни автомат космик станциялар ёрдамида тадқиқ этишдан иборат.

Учрашувда СССР, Австрия, Болгария, Венгрия, ГДР, Ирландия, Польша, АҚШ, Финляндия, Франция, ЧССР, Швейцария, Швеция ва Европа космик агентлигининг олимлари ва мутахассислари иштирок этдилар. Кенгашда ана шу ғоят улкан космик лойиҳани тайёрлашга оид ишларнинг бориши кўриб чиқилди. Бу соҳадаги ишлар ниҳоясига етмоқда. Шу кунларда Г. Н. Бабакин номидаги илмий-синов марказида илмий аппаратларни текшириш юзасидан якунловчи операциялар ўтказилмоқда. Бу илмий аппаратлар лойиҳада қатнашувчи мамлакатларда ишлаб чиқилган бўлиб, иккита планеталараро совет станцияси ичига ўрнатилади.

Халқаро кенгаш қатнашчилари лойиҳани рўёбга чиқаришга оид ишлар «Фобос» аппаратларини шу йил июль ойида учиришни кўзда тутувчи графикка мувофиқ олиб борилаётганлигидан мамнуният изҳор қилдилар.

(ТАСС мухбири).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 29 январь.

• *Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан*

БИР ЗАНЖИРНИНГ ИККИ ҲАЛҚАСИ

«Совет Ўзбекистони» анкетаси

1. Сизнинг коллективингизда, партия ташкилотингизда қайта қуриш қандай боряпти? Унинг дастлабки босқичи қандай якунланди?

2. Янгича ишлаш тажрибаларидан қайси бирлари диққатга сазовор ва уни қандай кенг ёйса бўлади?

3. Сизнингча, қайта қуришга нималар халақит беряпти? Қайси ишда ҳали ҳам турғунлик ҳукм сурмоқда?

«Совет Ўзбекистони» анкетаси саволларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг смена мастери Фотима **ВАҲОБОВА** жавоб беради.

1. — Қайта қуришни коллективимиз қурилишдан бошлади. Бу шунчаки сўз ўйини эмас. Ҳамма гап шундаки, фабрикамиз областдаги энг эски саноат корхонаси. Йигирманчи йилларда ўрнатилган асбоб-ускуналар билан эса жадаллаштириш вазифаларини бажаришга қодир эмас, албатта. Демак, ишлаб чиқаришда инсон омилининг таъсирини ошириш учун биринчи навбатда унга меҳнат шароитлари яратиш тўғрисида ўйлаш керак.

Партия ташкилотимиз корхона реконструкцияси масаласини тегишли органлар олдига қайта-қайта қўйганидан кейин иш бошланиб кетди. Ҳозир қурилиш-монтаж ишлари поёнига етмоқда. Янги фабрикани қуришдан мақсад ишлаб чиқариш ҳажмини оширишгина эмас, шу билан бирга меҳнат шароитларини яхшилашдир.

Аслини олганда партия ташкилотимиз ҳисобида турган ҳар бир коммунист қайта қуришни биринчи навбатда ўзидан бошлашга ҳаракат қилмоқда. Коммунистларимизнинг ҳар тўрттасидан уч киши бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилади. Уларнинг қайта қуришдаги ролига баҳони партия ташкилоти меҳнатдаги муваффақиятларига қараб бермоқда. Жумладан, ветеран коммунист Саъдулла ака Тошпўлатов бошлиқ 4-цех корхонадаги социалистик мусобақа байроқдори. Фабрика бошланғич партия ташкилоти бюросининг аъзолари Зуҳрахон Мавлонова, Пўлатой Рабиева бошқа ўн ишчи қатори беш йиллик шахсий планларини бажарганликлари тўғрисида рапорт беришди. Корхонада йигирма беш ишчи Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини 3,5 йиллик шахсий планларини бажариш билан кутиб олди. Партия ташкилотимиз бундай илғорлар тажрибасини оммалаштиришни фаолиятининг муҳим қирраси деб ҳисобламоқда.

2. — Энди янгича ишлаш тажрибалари ва уларни ёйиш ҳақидаги масала тўғрисида. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ҳам бир неча ипакчилар иштирокида шу мавзуда суҳбат бўлиб ўтган эди. Ўртадаги баҳс-мунозара бир неча соат давом этди. Бу Марказком аъзолари бўлган сафдошларнинг чинакам ўртоқларча фикр алмашуви эди. Суҳбат жараёнида тармоқ корхоналарини икки сменали уч бригада усулига кўчириш бўйича кўпгина муаммолар ҳал қилинди.

Фабрикага қайтиб келганимдан кейин янгича ишлаш усули партия йиғилишида кўриб чиқилди. Коммунистлар барча имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, бу усулни дадиллик билан жорий этиш керак, деган хулосага келдилар. Ҳар бир ишнинг бошида партия аъзолари турди. Ўтган йили ишни шундай ташкил этиш натижасида планга қўшимча 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шартнома мажбуриятлари тўла бажарилди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганидан ҳам ошди.

Ўйлайманки, мана шу илғор иш услубини республикамиздаги кўпгина енгил саноат корхоналарида жорий этиш мумкин. Ахир, бу усул ҳеч қандай қўшимча маблағ сарфламай меҳнат ва техника ресурсларидан фойдаланиш даражасини кескин ошириш учун имконият яратиб беради.

Сирасини айтганда, шаҳримиздаги трикотаж фабрикаси, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг баъзи цехларида бу тадбир жорий этила бошланди. Лекин янги тажриба қийинчилик билан ўзига йўл очиб бораётганини ҳам айтиш лозим. Биринчи навбатда бу қийинчиликлар муассасаларо алоқаларда кўринянти. Масалан, ишлаб чиқариш янгича усулда ташкил қилингандан кейин ишлаб чиқарилган маҳсулот билан пропорционал равишда сарф этиладиган энергия миқдори ҳам ошиши табиий. Шуни назарда тутиб корхонамиз учун ажратиладиган электр энергияси ва сув миқдори қўпайтирилди. Аммо газ лимитини ошириш эса унутиб қўйилди. Сифатли ипак толасини ажратиш учун етарли миқдорда иссиқлик керак. Натижада ўтган йили қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш туфайли ортиқча сарфланган газ учун 7 минг сўм жарима тўлашга тўғри келди.

3. — Қайта қуришга халақит бераётган энг катта нуқсонлардан бири — айрим партия комитетлари ва партия қуйи бўғинлари ўртасидаги алоқанинг ҳамон заифлиги бўлиб қолянти.

Бошланғич партия ташкилотимиз бюроси ҳисоб берган партия йиғилишида, шаҳарком ва обкомнинг кейинги пленумларида бу камчиликлар тўғри танқид қилинди. Бироқ танқиддан тўғри хулосалар чиқаришнинг ҳам пайти етди. Ахир партия комитети аппаратидаги ходимлар ҳам ўзимизнинг орамиздан ўсиб чиққан коммунистлар-ку! Уларнинг баъзилари кишилар сўзига қулоқ солмаётганлиги ҳаётдан ажралиб қолганини билдирмайдими?

Ўтган йилнинг ёзида фабрикамиз партия ташкилотининг бригада пудратини жорий этиш бўйича фаолияти область партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Масалан, бюро мажлисига тайёрланиш жараёнида обком тармоқ бўлимининг ходимлари ўн кун давомида фабрикамиздан чиқишгани йўқ. Лекин улардан бирон киши ишчиларни таклиф қилиб, мавжуд камчиликлар бўйича фикрини сўрамади. Обком бюросининг мажлисига ҳам партия ташкилотининг секретари ва корхона директори таклиф қилинди, холос. Албатта, улар ишимиздаги муаммолар ҳақидаги фикримизни раҳбарларга етказишди. Лекин демократия тўғрисида гапирар эканмиз, сайланган актив фикрини ҳам кўпроқ эшитишимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Турғунлик аломатлари ҳаётимизда ҳали кўп. Буни ҳам конкрет мисол билан тасдиқлашим мумкин. Ҳар йили пиллачилик мавсумини областимиз «зафарли» якунлайди. Келинг, энди бу муваффақиятларнинг мевасини кўрайлик. Ўтган йили пиллачилардан қабул қилиб олинган ҳосилнинг атиги 9 проценти аъло, 8,3 проценти биринчи, қолганлари эса иккинчи ва учинчи сорт билан баҳоланди. Бундай сифат кўрсаткичлари бўлган пилладан қандай қилиб сифатли ипак толаси тайёрлаш мумкин? Шунинг учун ҳам хонатласимизнинг шуҳрати тобора пасайиб, ишлаб чиқарган маҳсулотимиз касод бўлиб қолмоқда.

Бундан ўн йил муқаддам тармоқда аҳвол бунчалик аянчли эмасди. Хом ашёнинг қарийб 15 проценти аъло ва биринчи сорт, 30 процентга яқини иккинчи сорт талабларига жавоб берарди. Агар ҳозир ҳам аҳвол шундай бўлганида фабрикамиз ўтган йили 380 минг сўм эмас, балки 1 миллион сўмлик даромад оларди. Давлатдан қарздор бўлинмасди. Коллективимиз тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ҳаётда кенг йўл очиб бераётган пайтда давлат ҳамёнига қўл уришни ўзи учун иснод, деб ҳисоблайди.

Яқинда бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида дугонам, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ревизия комиссиясининг аъзоси Гулчеҳра Наврўзова билан мана шу муаммо тўғрисида суҳбатлашиб қолдик. Гулчеҳра Шофиркон районидаги Ленин номли колхознинг пиллачилик бригадасига бошчилик қилади. Пиллачилик муаммоларини КПСС XXVII съездида делегат бўлиб иштирок этиш шарафига муяссар бўлган бу аёлдан яхшироқ биладиган киши областда топилмаса керак.

Ўзаро суҳбатимиз бир хулоса билан якунланди. Ҳозир пахтакор ва пахта тозаловчи ўртасида алоқа қандай йўлга қўйилган бўлса, пиллачи ва ипакчилар орасидаги муносабатлар ҳам шундай асосда ташкил қилинмоғи лозим. Зеро, улар ҳам сифатли тола ишлаб чиқариш занжирининг икки муҳим ҳалқаси. Фақат бу пахта толаси эмас, ипак толасидир.

Агар пиллачининг моддий манфаатдорлиги пировард натижа — биз ишлаб чиқараётган тола сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилмаса, тармоқдаги сифат муаммоси ҳал бўлмай қолаверади. Шунга асосланиб, мен республика пиллакашлик фабрикаларини ҳам агросаноат комитети составига киритишни таклиф қиламан. Давлат агросаноат комитети менинг бу таклифимни диққат билан ўрганади, деган умиддаман.

• Хулоса қилиб айтганда, партия ташкилотларимиз фаолиятида қайта қуришнинг иккинчи босқичи кўкрет таклифлар ва уларни амалда қўлланиш даври бўлиб кириши керак.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ҚУРИЛИШДА ПОТОК УСУЛИ

«Андижанводстрой» трестининг бинокорлари қурилиш-монтаж ишларида поток усулини қўлланиб, ўтган йилнинг ўзида планга қўшимча 2146 квадрат метр турар жой биносини фойдаланишга топширдилар. Бу усулнинг афзаллиги Комсомолобод районидаги турар жойлар қурилишида, айниқса яхши намоён бўлди. Районда иш олиб бораётган шу трестга қарашли 7-механизациялашган кўчма колоннада турар-жой бинолари қурилиши норматив муддати деярли икки баробар қисқарди. Бу ерда планга қўшимча қурилган бинолар ҳисобига 30 оила турар жой билан таъминланди.

Кўчма колонна бунёдкорлари «Дўстлик» совхозида қурилаётган 20 та турар-жой биносини муддатидан уч ой илгари фойдаланишга топширишга қарор қилишди.

Поток усули ишнинг пировард натижаси учун қурувчилар масъулиятини оширди. Ўтган йили турар-жой бинолари муддатидан илгари «яхши» баҳо билан топширилгани учун қурувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 60-70 сўмкўпайди. Тежамкорлик соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилди. Январь ойининг ўзида трест бўйича 2 минг квадрат метр турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Илгари трестда бундай иш суръати ҳеч қачон кузатилмаганди.

К. НИШОНОВ.

Жониқул ЮСУПОВ

Самарқанд область Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жониқул Юсупов узоқ давом этган касалликдан кейин 28 январь куни 70 ёшида вафот этди.

Истеъдодли раҳбар, республика колхоз ишлаб чиқаришининг таниқли ташкилотчиси ҳаётдан кўз юмди.

Ж. Юсупов 1918 йилда Пастдарғом районидаги Зармон қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

Меҳнат фаолиятини Пастдарғом районидаги «Меҳнат» колхозида 1938 йилда бошлади. Совет, Армияси сафларида хизмат қилди, Улуғ Ватан урушида қатнашди. 1946 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси эди.

У 41 йил мобайнида Пастдарғом районидаги «Қизил меҳнат» ва Чкалов номли колхозлар правлениеларининг раиси бўлди, 1959 йилдан умрининг охиригача Большевик районидаги Карл Маркс номли колхозга бошчилик қилди.

Жониқул Юсупов умр бўйи ўзига топширилган ишни катта масъулиятни ҳис этиб бажарди. У хўжалик фаолиятини республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш билан қўшиб олиб борди.

Бир неча бор Самарқанд область партия комитети аъзолигига, ўнинчи ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети, уч чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Ўртоқ Ж. Юсупов КПСС XXIII ва XXV съездларига делегат этиб сайланган эди. Партия ва давлат Ж. Юсуповнинг хизматларини юқори баҳоладилар. Ж. Юсуповга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган, у иккита Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, бешта медаль билан мукофотланган, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор унвонига мушаррраф бўлганди.

Истеъдодли раҳбар, Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, сезгир ва меҳрибон ўртоқ Жониқул Юсуповнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анипчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Н. И. Попов, К. Саликов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. А. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Н. Р. Ражабов, А. А. Йўлдошев, Ю. С. Васильев, М. Абдураимов, Ш. Назаров, Н. Ҳолиқов.

ЧЕВАРЛАР ИБРАТИ

● Андижон бадиий буюмлар фабрикасининг Булоқбоши филиалида Мавлуда Шерматова, Одилхон Янгибоевалар етакчилик қилаётган сменалар кунлик топшириқларни ошириб адо этмоқдалар.

Уларнинг ғайрати туфайли ҳар ҳафтада филиал бўйича планга қўшимча юзлаб сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Р. ЖУМАНИЁЗОВА,
Хўжаобод райони.

САЙЛОВ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ

СССР Олий Совети Президиуми Самарқанд область 594-Самарқанд шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига депутат сайловини 1988 йил 28 февраль, якшанба куни ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми Наманган область 590-Чортоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига депутат сайловини 1988 йил 28 февраль, якшанба куни ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми Қашқадарё область 587-Шаҳрисабз сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига депутат сайловини 1988 йил 28 февраль, якшанба куни ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

Сайловлар ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига ўтказилади.

Агросаноат:

ЯКУНЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети коллегиясининг 29 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида ўтган йилги иш якунлари ва 1988 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш Давлат планини бажаришга оид вазифалар муҳокама этилди.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирларига ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш масалалари ҳамда Тошкент область агросаноат комитетининг сабзавотчиликни ривожлантириш соҳасидаги ишлари ҳам муҳокама қилинди.

Коллегия мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва комсомол органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси Владимир Алексеевич **Пустоваловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ТОШКЕНТДА ҲИНДИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ

«Халқим — диёрим» кўргазмаси яқин қўшнимиз — Ҳиндистоннинг шаҳар ва штатлари бўйлаб саёҳатга таклиф этади. Кўргазма 29 январь куни Ўзбекистон пойтахтида Совет Иттифоқида ўтаётган Ҳиндистон фестивали доирасида очилди. Экспозиция биринчи навбатда болалар ва ёшларга мўлжалланган. Шунинг учун ҳам дўст мамлакат тарихининг махсус курсини ўтган тошкентлик мактаб ўқувчилари ва студентлар гид сифатида таклиф этилди.

Ҳиндистон томошабинлар кўз ўнгида расмларда намоён бўлади. Катта шаҳарлар ва оддий қишлоқлар, жозибадор магазинлар ва дўкончалар, намойишлар ва ранг-баранг байрамлар тасвирланган кўпдан-кўп фотосуратлар ўтмишнинг бой меросини, қадимий маданият анъаналарини ўзида акс эттирган мамлакатнинг ҳозирги турмушига назар ташлаш имконини беради. Кўргазма бўлимлари Ҳиндистондаги 844 хил шевада гапирувчи элатларнинг меҳнати ва турмушини акс эттиради, диорамаларда Ҳиндистон қишлоқларининг ўзига хос манзаралари, шинам уй-жойлари ўз аксини топган. Видеомонисрда мультипликацион фильмлар, видеоклиплар, концерт программалари намойиш қилинмоқда. Кўғирчоқ театрида халқ афсоналари асосида яратилган томоша кўрсатилмоқда. Халқ усталари эса «Усталар шаҳарчасида» томошабинларнинг бевосита кўз ўнгида лой, ёғоч, қоғоз ва бамбукдан хилма-хил ўйинчоқлар ва турли буюмлар ясамоқдалар.

Тошкентдаги кўргазма — икки буюк давлат халқлари ўртасидаги анъанавий дўстликнинг, СССР ва Ҳиндистон ёшлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш сари олға томон яна бир қадам қўйилганлигининг ёрқин далилидир. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов ва СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Т. Кауль ўз нутқларида шуни таъкидлаб ўтдилар.

Кўргазма очилишига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Ҳиндистон республикасининг Ўзбекистондаги бош консули Иогендра Кумар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ТАРИХНИНГ КАМ ЎРГАНИЛГАН САҲИФАЛАРИ

29 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтида Туркистон Коммунистик партияси историографияси ва манбашунослиги проблемаларига бағишланган икки кунлик илмий симпозиум якунланди. Бу анжуманни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти уюштирди. Симпозиум ишида Москва, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон олимлари иштирок этдилар.

Докладлар ва нутқларда Туркистон Компартияси тарихини тадқиқ этиш, бу фаннинг турли йўналишлари билан боғлиқ кўпгина масалалар кўриб чиқилди. Бўлиб ўтган мунозара чоғида Туркистон Компартияси тарихининг ҳали кам ўрганилган, бундан буён ўрганиш ва янгича идроқ этиш талаб этилаётган саҳифалари кўп жиҳатдан аниқроқ бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

ЕТИЛГАН МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

АКТИВЛИК МЕЗОНИ

ҲАРАКАТ, ИЗЛАНИШ ЗАРУР

● ҚАЙТА ҚУРИШнинг дастлабки босқичида корхонамизда олға бориш ўрнига орқага кетилди. Фабрика ўтган йил планларини бажара олмади. Топшириқдагига нисбатан 350 минг сўмлик маҳсулот кам реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 82,3 процентда қолди. Ишчиларнинг иш ҳақи камайди.

Хўш, бундай ачинарли аҳволнинг сабаби нимада? Унинг олдини олиш мумкинми? Ёки ишчиларимиз ёмон ишлаяптими? Асло. Бу ерда бошқа жиддий сабаблар ҳам бор. Планлаштирувчи органлар айби билан хом ашё таъминотида узилиш бўлди. Биз бирлашмамизга, район, область план бўлимларига, ҳатто республика Маҳаллий саноат министрлигига бир неча марта мурожаат қилиб, бу ишда қатъий тартиб ўрнатишни сўрадик. Лекин ҳеч қандай амалий ёрдам бўлмади.

Бундай аҳвол ҳозир ҳам давом этмоқда. Чунончи, январь ойининг биринчи ярмида планнинг 40 проценти миқдорида маҳсулот тайёрладик. Бунинг устига олган материалимиз ассортимент талабларига мутлақо жавоб бермайди. Айтайлик, биз ўқувчилар учун оқ газлама ўрнига турли рангдаги материаллардан кўйлак тикишга мажбур бўляпмиз. Бошқача айтганда кимларнингдир айби билан йилнинг биринчи куниданоқ босган қадамимиз орқага кетмоқда.

Ишчи кучи ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун ишни икки-уч сменада ташкил этиш лозим. Коллективимиз бунинг тарафдори. Аммо ҳом ашё ресурслари, иш ҳақи фонди, иш шароити каби муаммолар ҳал бўлмаётир. Биз мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда фабрикамизни алоҳида корхонага айлантириш масаласини область ижроия комитетига, ҳатто республика Маҳаллий саноат министрлигигача бир неча марта қўйдик. Чунки бизда ишчи ресурслари етарли. Масалан, Чуст шаҳрининг ўзида меҳнатга яроқли кишиларнинг деярли ярми иш билан таъминланмаган. Уларнинг аксарият қисми аёллар бўлиб, уй бекасига айланиб қолишган. Аёлларни ишга жалб этиш фабрика қувватидан тўла фойдаланишни таъминлайди. Бироқ область планлаштириш бўлими бу соҳадаги таклифларимиз билан ҳам шуғулланишни лозим топмаяпти.

Фабрика партия ташкилотида 48 коммунист бор. Улар —жуда катта куч. Аммо партия йиғилишларида кўпроқ ишлаб чиқаришга доир масалалар кун тартибига киритилаётгани ташвишлантирмоқда. Ана шу муносабат билан ишимизни қайтадан планлаштириб, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан бюро аъзоларининг ҳар бирига конкрет топшириқлар бердик. Жумладан, коммунистлар менга яқин ойларда хом ашё таъминотидаги тартибсизликни тугатиш вазифасини топшердилар. Бироқ, ғоят мураккаб бу соҳани изга солиб юбора оламиканман, деган савол хаёлимдан кетмайди. Чунки, бу иш фақат корхона раҳбарларигагина боғлиқ эмас. Планлаштириш органлари, министрлик шу иш билан яқиндан шуғулланса гина муаммолар ҳал бўлади.

Яна бир масала: қарийб 5,5 миллион сўмлик болалар кийими ишлаб чиқарадиган корхонамиз ўзининг бирорта ҳам транспортига эга эмас. Ана шу сабабли ишчи-хизматчиларни ишга олиб келиш учун йилига 20 минг сўмдан зиёд маблағ сарфлашга тўғри келяпти. Корхонада область марказидан хом ашё ташиб, тайёр маҳсулотни олиб кетадиган битта автомашина бор. У ҳам бўлса бир кун ишласа, икки кун туриб қолади. Ҳозирги янгича ишлаш шароитида бундай аҳвол билан муроса қилиш қийин.

Қайта қуриш ҳар биримизнинг ва ҳар бир коллективнинг ишчанлигига, ташаббускорлигига, бир-бирига боғлиқ бўлган муаммоларни «бу сеники, бу меники», деб ўтирмай, биргаликда ҳал этишимизга боғлиқ. Ана шундагина ҳаммамизга халақит бераётган тўсиқларни олиб ташлаш осон кечади.

И. АШУРМАТОВА,
Наманган тикувчилик бирлашмасининг Чуст тикувтрикотаж фабрикаси директори, корхона партия ташкилоти бюросининг аъзоси.

МУСОБАҚА ВА САМАРА

ПАЙСАЛГА СОЛИБ БЎЛМАЙДИ

Хўжалигимиз сут-товар фермаси маҳсулот етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқда. Ўтган йили давлатга 515 тонна серқаймоқ сут топшириб, планни 105 процент қилиб бажардик. Бунда чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилгани, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги таъминланаётгани алоҳида роль ўйнаяпти. Мен ҳам мусобақада фаол қатнашяпман. Оила аъзоларим билан бирга 22 бош сигирни парвариш қиляпмиз. Ҳар бош сигирдан бурноғи йили 2500 килограмм сут топширган бўлсам, ўтган йили бу кўрсаткич 3000 килограммга етди. Ҳамкасбларим Тожи Ҳамроева, Турсуной Жумаева, Гулшод Ўриновалар ҳам мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Совхоз партия ва касаба союз ташкилотлари қайта ишлаб чиққан ва хўжалик аъзолари йиғилишида тасдиқланган социалистик мусобақа шартларига биноан энг кўп ва сифатли сут соғиб топширган соғувчилар ойлик ва квартал якунларига кўра 15—20 сўмгача пул мукофоти билан тақдирланмоқдалар.

Ишнинг шу хилда қўйилиши яхши, албатта. Аммо мусобақани такомиллаштирмай бир ерда тўхтаб қолиш ишга фақат зиён етказади. Мусобақа натижаларини таққослаш, бу ишда ошкораликни таъминлашга қатъий риоя қилиниши керак. Бироқ баъзан касаба союз ташкилоти бу соҳада расмиятчиликка йўл қўймоқда. Йиғилишда ферма чорвадорлари ишни икки сменада ташкил этишни талаб қилган эдилар, Бундай усул айни вақтда социалистик мусобақани, шунингдек, меҳнатни ташкил этишни янада такомиллаштирган бўлар эди. Бироқ қасаба союз ташкилотининг сусткашлиги сабабли бу иш амалга ошмай келяпти. Ишдаги расмиятчилиқ айни пайтда оилавий пудратни жорий этишга ҳам халақит бермоқда, Ҳолбуки, фермада бутун оиласи билан ишлаётган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, бизнинг оила аъзоларимиз — турмуш ўртоғим, ўғилларим, келинларим — жами 8 киши чорвадормиз. Агар оилавий пудрат ташкил этилганида иқтисодий манфаатдорлик анча яхшиланган бўларди.

Четдан қараганда, фермамиз районда илгорлик туюлади. Ҳар бош сигирдан 3000 килограммдан сут соғиб олмоқдамиз. Аммо бу кўрсаткич шу кун талабларига мос келмайди. Қайта қуришга тўсқинлиқ қилаётган омиллар аниқ, фермада эса қайта қуриш чорвадорлар ўйлаганидек бўлмаяпти. Масалан, 600 бош қорамолга мўлжалланган комплексимиз 10 йил давомида қурилди. Узоқ муддат қуриш даврида эса айрим жойлар бузилиб кетди. Ҳатто оддийгина озуқа цехи ҳам йўқ. Сут соғувчилар ва молбоқарларга шарт-шароитлар яратишга киришилмаётир. Мен область партия комитети аъзоси сифатида обком пленумида область агросаноат комитети раиси О. Суяровга бу соҳада ёрдам беришни сўраб бир неча марта илтимос қилдим. Шунингдек, социалистик мусобақани ташкил этиш борасида дуч келинаётган камчиликлар ҳақида ҳам йиғилишларда кўпдан-кўп танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Аммо бу илтимослар ва танқидлар мажлислар зали ва кабинетлардан ташқарига чиқмаяпти. Область партия комитети эса қуйидан бўлаётган фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва ҳаётга жорий этиш билан жиддий шуғулланмаётир.

Л. КАФТАНОВА,
Усмон Юсупов районидаги «Пахтакор» совхози сут соғувчиси, Қашқадарё область партия комитети аъзоси.

ҚАЙТА ҚУРИШ ДАЪВАТИ

ВАЗИФАНИ АНИҚЛАШТИРИБ ОЛАЙЛИК

● ДАВР ҳар бир киши, ҳар бир ташкилот олдига масъулиятли, кўлами кенг вазифаларни қўймоқда. Шундай пайтда ҳар кунги ташвишлар билан ўралашиб қолишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Жумладан, бу гап район партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссияларига ҳам тегишлидир.

Бу комиссиялар ҳозир асосан партияга қабул ҳамда партия аъзоларининг шахсий ишларини кўриш билан кифояланиб қолишмоқда. Тўғри, бу масалалар муҳим. Аммо партия комиссияси иш кўлами ниҳоятда кенг. Масалан, коммунистлар активлигини оширишда унинг роли сезилмай қолянти.

Бизнинг районда 102 та бошланғич партия ташкилоти бор. Партияга қабул ҳақидаги масалани жойларда ўрганишга киришганимиздан сўнг кўп муаммоларга дуч келдик. Нега тавсияномаларда доим бир қолипда бўлади? Нега унда қабул қилинувчи кишининг барча хислатлари, қобилияти, нуқсонлари тўла ифодаланмайди? Демак, комиссия ҳали бу масалага юзаки қараяпти.

Ёш коммунистлар билан ишлаш, жазо олган кишилар ҳисоботини эшитиб бориш ҳам зарур. Чунки ёш коммунистлар дастлабки кунданоқ масъулиятни идрок этишлари шарт. Партиявий жазо ҳам тарбиянинг таркибий қисми. Ундан кейин, ўша коммунист диққат марказида турмоғи керак. Тўғри, комиссия учун ортиқча ташвишнинг нима ҳожати бор дегувчилар ҳам топилади.

Шунинг учун битта муҳим масалани ҳал этиш керак, деб ўйлайман. Ҳалига қадар партия комиссиялари вазифаларини аниқ белгилаб берувчи қўлланма йўқ. Бевосита нима учун масъул эканлигимиз, қайси участкага жавобгарлигимиз, ишни қай тарзда ташкил этишимиз ўз ифодасини топган ҳужжат жуда керак. Область партия комитетидан олинган кўрсатмалар ҳам умумий тарзда бўлади.

Худди ана шу нарса партия комиссиялари фаолияти сустлигига сабаб бўлмоқда. Жанговарликни ошириш учун бу муаммони тезроқ ҳал этиш даркор.

Ҳозир эса кутиб турмасдан тўпланган тажрибалар асосида ижодийроқ ишлаш талаб қилинади. Қайта қуриш ана шунга даъват этмоқда.

О. УЛУҒБЕКОВ,
Жомбой район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси.

МАДАНИЯТ ФОНДИ: БУГУН ВА ЭРТАГА

Тошкентда ташкил этилаётган болаларни эстетик руҳда тарбиялаш марказига бериш учун Ўзбекистон рассомлари асарларининг дастлабки коллекцияси тўпланди. Республикадаги хусусий коллекциялар ва тўпламларни рўйхатга олиш бошланди. Маданият арбобларининг болалар уйлари тарбияланувчилари билан учрашувлари ўтказилди. Бадиий буюмларнинг биринчи кимошди савдоси уюштирилди...

Бу Совет маданият фондининг яқинда ташкил этилган Ўзбекистон республика бўлими амалга оширган ишларнинг бир нечасидир, холос. Бу ҳақда ана шу жамоат ташкилоти правлениесининг 29 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида гапирилди. Фоннинг ўтган йилги фаолияти якунлари, яқин келажакдаги ва истиқболдаги вазифалари кўриб чиқилди. Совет маданият фонди республика бўлими правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов доклад қилди.

Ўзбекистон бадиий коллекциялари музейини ташкил этиш, Самарқанддаги Жуш қишлоғида машҳур бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли мемориал музейини очиш, шахсан одамларда сақланаётган ноёб асарлар, шоирлар ва донишмандларнинг бебаҳо ижод намуналари каталогларини тузиш режалаштирилди. Тошкентлик рассом, Афғонистонда ўз интернационал бурчини бажараётиб ҳалок бўлган С. Тўрахўжаевга бағишланган хотира кечасини ўтказиш биринчи галдаги вазифалардандир. Ана шу кечани ўтказишдан тушган маблағлар жангчи-интернационалистларга ўрнатиладиган ҳайкални бунёд этиш учун берилади. Алишер Навоийнинг бўлажак 550 йиллик юбилейига тайёргарлик, шунингдек, бадиий ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантириш юзасидан тадбирларнинг катта программасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Правлениенинг 1988—1990 йилларга мўлжалланган истиқбол иш плани тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИККА—ЗАРБДОР СУРЪАТ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Саноат корхоналаридан савдога сифати қониқарсиз бўлган анча миқдордаги маҳсулот юборилиб турибди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг улгуржи ташкилотлари йил давомида енгил саноат корхоналарида текширилган пойабзалнинг 7—8 процентини, тикилган маҳсулотларнинг 14—17 процентини, трикотаж маҳсулотларнинг 18—25 процентини брак қилди.

Хоразм, Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Самарқанд ва Андижон трикотаж фабрикаларининг, Қўқон хром-тери заводининг, Тошкентдаги 1- ва 2- пойабзал фабрикаларининг кўп миқдордаги маҳсулоти бир неча марта бракка чиқарилди.

Савдо ташкилотларига паст сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Корхоналарни кўп сменали иш режимига ўтказиш давом этди. Сменали иш ортганлиги туфайли бўшаб қолган майдонлардан янги прогрессив ускуналарни жойлаштириш, халқ истеъмоли товарлари тайёрлашни кўпайтириш учун фойдаланилди.

Янгидан фойдаланишга топширилган қувватларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишда камчиликлар ҳали ҳам бор. Январь-ноябрь ойларида беш йиллик бошида фойдаланишга топширилган 44 та халқ хўжалиги объектида ўтказилган текширишлар қувватлар ўртача 62 процент миқдорида ишга солинганини кўрсатди. Ана шу объектларнинг тўртдасидан қарийб учтасида лойиҳада белгилаб қўйилган қувватларни ўзлаштиришда қолоқликка йўл қўйилган. Оқибатда халқ хўжалигига 78 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам етказиб берилган. Фойдаланишга топширилган икки объектда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳали бошланмаган, ўнта объектда эса қувватларнинг учдан бир қисмидан камроғи ишга солинган. «Андижанкабель» заводида, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тўрткўл, Мангит, Учқўрғон шаҳарларидаги йигирув-тўқув фабрикаларида қувватларнинг ишга солиниши ниҳоятда паст даражада.

РЕСУРСЛАРНИ ТЕЖАШ

Халқ хўжалигида 310,5 минг тонна ёқилғи-энергетика ресурслари (шартли ҳисобда), 34,9 минг тонна қора металлар прокати, 66,3 минг тонна цемент, 63,4 минг кубметр ёғоч-тахта, 23,2 минг тонна дизель ёнилғиси, 11,4 минг тонна автобензин тежаб қолинди. Айни вақтда Қорақалпоғистон АССР, Андижон областидаги корхоналарда қозонпечь ёнилғиси, Қорақалпоғистон АССР ва Сурхондарё областидаги корхоналарда электр энергия ортиқча сарфлаб юборилишига йўл қўйилди.

Халқ хўжалигида иккиламчи полимер хом ашё ёйилиб кетган шиналар, лигнин, пирит қолдиғи ва иккиламчи хом ашёнинг бошқа турларидан фойдаланиш кўпайди.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Халқ хўжалигида банд бўлган ишчилар, хизматчилар ва козхозчиларнинг ўртача йиллик сони 6 миллион кишидан ҳам кўпроқ бўлди. Ишчи ва хизматчиларнинг 40 процентдан зиёдроғи 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир, 4,2 проценти пенсия ёшидаги кишилардир. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ёши 35 атрофидадир. Ишловчиларнинг ярмидан кўпроғи тегишли корхонада беш йилдан кам бўлмаган иш стажига эга.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда демократиялаш жараёни кенгаймоқда. Саноат ва қурилишда меҳнат коллективлари 2 мингдан кўпроқ ходимни раҳбарлик лавозимларига сайлардилар.

Кооператив фаолият жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Йил охирига келиб, кооперативда ишлаётган кишилар сони 10 мингдан ортиб кетди. (Йил бошида кооперативларда 0,8 минг киши ишлаган эди).

Халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида иш вақтининг беҳуда кетиши, меҳнаткашларни асосий фаолиятдан чалғитиш, жумладан қишлоқ хўжалик ишларига чалғитиш ҳоллари кўпаймоқда.

Халқ хўжалигида банд бўлган олий ва ўрта маълумотли мутахассислар 1,5 миллион кишига етди. Ҳунар-техника билим юртларида 156 мингга яқин ишчи тайёрланди. Бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида янги ва иккинчи касбларга ўргатилганлар, шунингдек қайта тайёргарлик кўрган ишчилар сони қарийб 230 минг кишига етди.

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларига мувофиқ, экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш тадбирлари амалга оширилди.

Ўтган йили саноатдаги 86 та бирлашма ва корхона тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитларида ишлади.

Аммо хўжалик юритиш янги механизмининг афзалликларидан тўла-тўкис фойдаланишга эришилмади. Янгича шароитларда ишлаётган корхоналарнинг кўпчилиги истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини тўла ҳажмда бажармади. Шартнома мажбуриятларини ҳам ҳисобга олганда ана шу корхоналарда маҳсулотни реализация қилиш плани 97,3 процент бажарилди, бу республикадаги кўрсаткичдан пастдир. Молиявий аҳвол тиғиз бўлиб турибди. Фақат СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги корхоналаригина фойда планини бажардилар. Тўла хўжалик ҳисоби шароитларида ишлаётган барча саноат корхоналарида январь-ноябрь ойларида 32 миллион сўмликдан кўпроқ жамғарма кам олинди. Асосий фондларни ишга тушириш ва капитал маблағларни ўзлаштириш топшириғи бажарилмади. Моддий-техника таъминоти ғаш соҳа бўлиб турибди.

Республика агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизми янада такомиллаштирилмоқда. Коллектив пудрат ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бошқа илғор формалари жорий этилмоқда, агросаноат комплекси хўжаликлари, корхоналари ва ташкилотларини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Қурилиш-монтаж ташкилотларида тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитларида ишлашга ўтишга тайёргарлик кўрилди; қурилиш комплекси министрликлари ва идоралари ташкилотларини коллектив пудратга ўтказиш ниҳоясига етказилмоқда.

III. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш

САНОАТ

Бирлашмалар ва корхоналарнинг 74 проценти шартнома мажбуриятларини тўла ҳажмда бажарди. Мажбуриятларни ҳам ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш плани 97,7 процент бажарилди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 2,3 процент ўсди.

1986 йилги амалдаги даражага нисбатан меҳнат унумдорлиги 0,4 процент ошди, фойда кўпайди, саноат маҳсулотининг таннархи арзонлашди.

1987 йилда халқ хўжалиги комплексларида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ва маҳсулот ҳажми қуйидагича бўлди:

(процентларда)

	маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши	шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналарнинг улуши	етказиб берилмаган маҳсулот миллион сўмлик	амалдаги ўсиш суръатлари: меҳнат унумдорлиги	амалдаги ўсиш суръатлари: маҳсулот ҳажми
Ёнилғи-энергетика комплекси	98,2	13	12,3	4,2	3,5
Металлургия комплекси	98,7	22	13,8	3,6	2,8
Машинасозлик комплекси	97,4	59	72,9	3,6	5,2
Химия-ўрмон комплекси	97,4	46	51,3	5,2	6,5
Агросаноат комплекси	97,9	29	156,4	—3,3	—1,2
Социал комплекс (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	97,1	23	94,3х	2,3	3,4
Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги)	97,4	48	12,3	5,8	3,8

* Шартномалар нархларда

1987 йилда Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати иши тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича бўлди:

(процентларда)

	маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши	шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналарнинг улуши	маҳсулот таннархини тежаш (ортиқча сарфлаш плюс), планга нисбатан процент (январь-ноябрь)	Амалдаги ўсиш суръатлари: меҳнат унумдорлиги	Амалдаги ўсиш суръатлари: маҳсулот ҳажми
Қорақалпоғистон АССР	97,8	17	1,9	—1,3	2,3
Андижон области	95,2	33	+1,4	—1,8	3,1
Бухоро области	96,3	29	1,4	—8,0	—2,9
Жиззах области	96,6	22	+2,9	—5,2	—2,8
Қашқадарё области	98,3	23	2,0	0,4	0,9
Навоий область	99,3	28	+2,9	0,5	2,5
Наманган области	99,2	23	0,5	—1,8	4,6
Самарқанд области	97,6	25	0,3	—1,0	2,4
Сурхондарё области	99,8	7	2,4	1,1	2,0
Сирдарё области	99,0	20	+0,05	—0,1	1,1
Тошкент области	96,6	40	+0,1	2,9	3,7
Фарғона области	99,0	23	0,8	—0,4	1,0
Хоразм области	99,7	9	1,8	0,8	4,4
Тошкент шаҳри	97,4	28	+0,5	3,0	3,1

1987 йилда саноат комплексларида маҳсулотнинг айрим энг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагича бўлди.

ЁНИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

	1987 йилда ишлаб чиқарилгани	йиллик планнинг бажарилиш процента	1987 йилда 1986 йилга нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси, миллиард киловатт соат	54,7	X	105
Газ, миллиард кубметр	39,8	107	103
Кўмир, миллион тонна	5,0	84	84

Планга қўшимча 76,9 минг тонна нефть, 2,6 миллиард кубметр газ қазиб олинди. Айни вақтда «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси шартномавий мажбуриятларини бажармади, мазкур бирлашма истеъмолчиларга 11,7 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди.

МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

Металлургия компелксининг корхоналари пўлат ва прокат тайёрлаш планини бажармадилар. Электр пўлат ва узлуксиз қуйилма тайёрлаш машиналаридан қуйма заготовкалар ишлаб чиқариш план топшириқлари муттасил бажарилмай келди.

СССР Қора металлургия министрлигига қарашли Ўзбекистон металлургия заводи бир йил ичида мажбуриятдагига нисбатан 5,1 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди.

МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

	1987 йилда ишлаб чиқарилгани	йиллик планнинг бажарилиш процента	1987 йилда 1986 йилга нисбатан процент ҳисобида
Ўзгарувчан ток электр двигателлари, минг киловатт	428	76	91
Куч трансформаторлари, миллион киловольт-ампер	8,2	95	106
Компрессорлар, минг дона	10,9	93	95
Химия ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, миллион сўмлик	35,6	88	99,1
Енгил саноат учун технологик ускуна ва бу ускунага эҳтиёт қисмлар, миллион сўмлик	96,0	91	95
Тракторлар, минг дона	25,8	100,5	97
Трактор прицеплари, минг дона	32,7	86	86
Қишлоқ хўжалик машиналари, миллион сўмлик	183,1	102	95
Пахта териш машиналари, минг дона	7,7	100	85
Экскаваторлар, дона	1536	99,1	99,2
Йигирув машиналари, дона	1318	80	77

Умуман комплексда маҳсулотнинг ўсиши 5,2 процент бўлди, бу йиллик планда кўзда тутилганига нисбатан 0,8 процент камдир. Машинасозлик маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириғи бажарилмади. СССР Электротехника саноати министрлиги ўзгарувчан ток электр двигателлари, кам вольтли электр аппаратлар, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги трактор прицеплари, СССР Автомобиль саноати министрлиги подшипниклар ишлаб чиқаришда пландан анча орқада қолиб кетдилар. СССР Химия машинасозлиги министрлиги химиявий ускуналар ишлаб чиқаришда кўплаб қарздорликка йўл қўйди. Енгил ва озиқ-овқат саноати учун планлаштирилган ҳажмда ускуна ишлаб чиқарилиши таъминланмади.

Машинасозлик комплекси корхоналарида олий сифат категориясида маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмади, бундай маҳсулот пландагига нисбатан 2 миллион сўмлик кам етказиб берилди, ўтган йилга нисбатан бундай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми анча камайди.

Ҳар икки бирлашма ва корхонадан қарийб биттаси маҳсулот етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармади.

ХИМИЯ—ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

	1987 йилда бажарилгани	йиллик планнинг бажарилиш процента	1987 йилда 1986 йилга нисбатан процент ҳисобида
Минерал ўғитлар (таркибида озуқа моддалари 100 процент деб ҳисобланганда), миллион тонна	1,9	99,7	109
Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари (таркибидаги таъсир қилувчи модда 100 процент, деб ҳисобланганда), минг тонна	35,7	111	117
Сульфат кислотаси, миллион тонна	2,5	95	102
Химиявий тола ва иплар, минг тонна	46,3	91	109
Синтетик смолалар ва пластмассалар, минг тонна	158,1	97	109
Қоғоз, минг тонна	25,0	99	98
Картон, минг тонна	55,6	101	100,7

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, полимер пленка, карбоксиметилцеллюлоза, картон ишлаб чиқаришда планда кўзда тутилган ҳажмларга эришилди. Синтетик аммиак, сульфат кислотаси, карбамид, капролактам ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади.

СССР Химия саноати министрлиги, СССР Ўғит саноати министрлиги, СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги, ЎзССР Мебель саноати министрлиги маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятларини бажармадилар.

ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ САНОАТИ

	1987 йилда ишлаб чиқарилгани	йиллик планнинг бажарилиш процента	1987 йилда 1986 йилга нисбатан процент ҳисобида
Цемент, миллион тонна	5,5	101	102
Йиғма, темир-бетон конструкциялари ва буюмлар, миллион куб метр	6,3	99,9	102
Асбест-цемент тахта (шифер), миллион шартли плита	436	96	99,4
Қурилишбоп ғишт, миллиард дона	1,9	93	98
Томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва изол, миллион квадрат метр	127,7	100,5	100,8
Дераза ойнаси, миллион квадрат метр	2,2	99,0	99

Йиллик планга қўшимча 250 шартли километр сопол дренаж қувурлар, 225 минг квадрат метр линолеум, 44 минг квадрат метр полга қопланадиган сопол плиталар ишлаб чиқарилди. Айни вақтда деворбоп материаллар, асбест-цемент қувур ва муфталар, қурилиш чинниси ва нимчинниси, фаяно ишлаб чиқаришда планда белгиланган ҳажмлар таъминланмади.

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА РЎЗҒОРБОП ТОВАРЛАР

Ноозиқ — овқат **халқ истеъмоли товарлари** ишлаб чиқариш планининг бажарилиши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1987 йилда ишлаб чиқарилгани	йиллик планнинг бажарилиш процента	1987 йилда 1986 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Чинни-фаянс идиш, миллион сўмлик	68,9	102	104
Сирланган пўлат идиш, миллион сўмлик	36,4	81	88
Холодильниклар ва муздонликлар, минг дона	143	109,03	159
Мебель, миллион сўмлик	220	95	105
Аҳолига етказиб берилаётган қурилиш материаллари, конструкциялар (чакана нархларда), миллион сўмлик	85,5	101,0	110,0
Енгил саноат маҳсулотлари			
Ип газлама, миллион квадрат метр	411	91	113
Шойи газлама, миллион квадрат метр	135	102	102
Трикотаж буюмлар, миллион дона	95,7	97	125
Пайпоқлар, миллион жуфт	81,1	103	111
Пойабзал, миллион жуфт	39,0	104	107

1987 йилда халқ истеъмоли товарлари (алкоголли ичимликлар бу ҳисобга кирмайди) чакана нархларда 8,7 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилди, бу 1986 йилга нисбатан 5,8 процент кўпдир. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш плани бажарилди, аммо машинасозлик комплексининг айрим министрликлари, СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, ЎзССР Мебель саноати министрлиги, ЎзССР Енгил саноат министрлиги корхоналари йиллик топшириқларни бажара олмадилар.

42,4 миллион квадрат метр ип газлама, 2,7 миллион дона трикотаж буюмлар пландагига нисбатан кам етказиб берилди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг корхоналари истеъмолчиларга маҳсулотни буюртма ва шартномаларда кўзда тутилганидан 94,3 миллион сўмлик кам етказиб бердилар. Айни вақтда ҳар тўрт бирлашма ва корхонадан қарийб биттаси шартномавий мажбуриятларни бузди.

Маданий-маиший бир қанча товарлар ишлаб чиқариш плани бажарилмади. 8,4 миллион сўмлик сирланган пўлат идиш, 11,1 миллион сўмлик мебель йиллик планда белгиланганидан кам етказиб берилди. СССР Химия саноати министрлиги, СССР Электротехника саноати министрлиги, СССР Химия машинасозлиги министрлиги, СССР Енгил ва Озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министирлиги, Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги корхоналари ана шу группага кирадиган товарлар ишлаб чиқариш йиллик планини бажармадилар.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

1987 йилда қишлоқ хўжалигида 1986 йилга нисбатан туб ўзгаришлар содир бўлмади.

Шу даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий ҳажми 1,9 процент камайди. Жамоат қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги пасайди. Маҳсулотнинг рентабеллиги озайди, Давлат агросаноат комитетига қарашли 233 та совхоз йилни зарар кўриб якунлади. Жами зарар 132 миллион сўмдан ҳам ортиб кетди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК

Хўжаликларнинг барча категорияларида деҳқончиликнинг асосий маҳсулотларини **етиштириш** қуйидаги маълумотларда кўриниб турибди:

(минг тонна)

	1981—1985 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1986 йил	1987 йил
Дон — жами	2450,2	1247,5	1821,9
Шу жумладан:			
Дон учун маккажўхори	1262,9	389,0	420,5
Шоли	504,1	424,1	532,5
Пахта	5159,0	4989,0	4858,0
Картошка	305,2	308,6	261,5
Сабзавот	2505,8	2491,1	2557,6
Полиз маҳсулотлари	930,3	626,0	775,7
Мева ва резавор мева (цитрус мева бу ҳисобга кирмайди)	780,9	657,8	595,2
Узум	611,2	695,5	637,6

Пахта, картошка, мева, узум ҳосилдорлиги 1986 йилга нисбатан камайди. Қашқадарё областида пахта ва полиз экинлари, Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида дон учун экилган маккажўхори, сабзавот ва узум ҳосилдорлиги, Сирдарё областида картошка, Навоий областида мева ҳосилдорлиги энг паст даражада бўлди.

1987 йилда Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона областлари хўжаликлари пахтани, Андижон области донни 1986 йилга нисбатан кам етиштирдилар. Жиззах, Навоий, Наманган ва Сурхондарё областларидан бошқа ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари картошка етиштиришда; Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё областларининг хўжаликлари сабзавот етишитиришда авваги йилга нисбатан орқада қолишга йўл қўйдилар. Республиканинг бир қанча областларида мева ва узум етиштириш камайди.

Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан, техникадан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда катта камчиликлар содир бўлиб келмоқда. Республика хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг илгор усуллари секинлик билан жорий этилмоқда. Интенсив технологиялар асосида етиштириладиган кузги ғаллазорларнинг салмоғи атиги 5 процентни ташкил қилди.

1988 йил ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. Колхоз ва совхозлар ўзларини буғдой ва арпа уруғлиги билан асосан таъминлаб олдилар, шоли ва картошка уруғлигини эса пландаги эҳтиёждан камроқ жамғардилар.

Кўп миқдордаги уруғлик экиладиган кондицияга етказилмаган. Қорақалпоғистон АССРда ва бошқа кўпчилик областларда (Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Хоразм областларидан ташқари) ерларни шудгор қилиб қўйиш план топшириги бажарилмади.

Дон, ингичка толали пахта, сабзавот харид қилиш давлат планлари бажарилди.

Давлат йўли билан дон, картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари харид қилиш қуйидагича бўлди:

(минг тонна)

	1981—1985 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1986 йил	1987 йил
Дон	1006,9	653,5	1001,5
Картошка	184,7	208,9	164,4
Сабзавот	1843,2	1965,3	2017,6
Полиз маҳсулотлари	630,1	498,4	620,7
Мева ва резавор мевалар (цитрус мевалар бу ҳисобга кирмайди)	319,9	277,9	260,5
Узум	500,8	611,5	586,3

Қорақалпоғистон АССРда ва бошқа кўпчилик областларда (Жиззах, Навоий, Наманган ва Сурхондарё областларидан ташқари) картошка; Қорақалпоғистон АССРда, Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент областларида сабзавот; Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сирдарё ва Фарғона областларида мева ва резавор мева (цитрус мевалар бу ҳисобга кирмайди); Бухоро, Навоий, Тошкент ва Хоразм областларидан бошқа кўпчилик областларда узум 1986 йилга нисбатан камроқ харид қилинди.

Сабзавот, полиз экинларининг баъзи турлари ва узумни умумиттифоқ фондига етказиб бериш плани бажарилмади, уларнинг сифати етарли равишда юқори эмас.

ЧОРВАЧИЛИК

Барча категориялардаги хўжаликларда шу тармоқ маҳсулотларини **етиштириш** қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1981—1985 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1986 йил	1987 йил
Гўшт (сўйилган вазнда), минг тонна	377,8	385,8	403,0
Сут, минг тонна	2447,8	2505,3	2614,5
Тухум, миллион дона	1773,3	2042,0	2186,2
Жун (табиий вазнда), минг тонна	24,1	23,5	24,3
Қоракўл тери, минг дона	2308,8	1640,6	1364,8

Жамоат хўжаликларида гўшт етиштириш 2,7 процент, сут етиштириш 5,5 процент, тухум етиштириш 9,5 процент кўпайди. Жун етиштириш ўтган йилги даражада қолди, қоракўл тери етиштириш эса 16 процент камайди. Қашқадарё ва Навоий областларининг хўжаликларида гўшт, жун ва қоракўл тери етиштириш, Бухоро ва Жиззах областларининг хўжаликларида тухум ва қоракўл тери етиштириш камайди.

Асосан чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга эришилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 177 килограмм ёки 8 процент ошди, ҳар бир товуқдан ўрта ҳисобда 12 та ёки 8 процент кўп тухум олинди.

Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирган чорвачилик маҳсулотининг жами чорвачилик маҳсулотидаги ҳажми юқори. Чунончи, 1987 йилда, гўшт етиштириш соҳасида бу салмоқ 49 процентни, сут етиштиришда 64 процентни, тухум етиштиришда 34 процентни ташкил қилди.

Маҳсулдор **чорва туёғи** қуйидагича ўзгарди:

(1 январгача, минг бош)

	Барча категориядаги хўжаликларда 1987 й.	Барча категориядаги хўжаликларда 1988 й.	шу жумладан аҳоли хўжаликларида 1987 й.	шу жумладан аҳоли хўжаликларида 1988 йил
Қора моллар	4073,8	4080,3	2297,4	2305,5
Шу жумладан сигирлар	155,4	1551,8	1097,3	1098,2
Чўчқалар	763,1	761,2	13,4	13,4
Қўй ва эчкилар	8832,1	8479,7	3128,2	2984,0

Колхоз ва совхозларда ҳали ҳам анчагина чорва моллар нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. 1987 йилда 22,1 минг бош қорамол, 49,2 минг бош чўчқа ва 215,8 минг бош қўй ҳамда эчки нобуд бўлди. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Наманган областларининг хўжаликларида қўй ва эчкилар кўп миқдорда нобуд бўлди.

Давлатга паст вазн кондицияларидаги чорва моллар сотилиши оқибатида гўшт ресурсларининг кўп миқдорда етишмаслигига йўл қўйилмоқда. Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областларидаги умумий харид ҳажмида мана шундай чорва молларнинг салмоғи юқори.

Қишлоқ хўжалик корхоналари шу йил бошида ем хашак билан 1987 йилнинг бошидагига нисбатан 11,4 процент кўп таъминланган эди. Шу билан бирга чорвачилик фермаларидаги анчагина мавжуд озуқа цехлари ва емхоналардан турли сабабларга кўра фойдаланилмаяпти.

Барча категориялардаги хўжаликларда **давлат йўли билан** чорвачилик маҳсулотлари **харид қилишга** оид маълумотлар қуйидагилардан иборат:

	1981—1985 йиллар (йиллига ўрта ҳисобда)	1986 йил	1987 йил
Чорва ва парранда (тирик вазнда), минг тонна	287,6	336,7	350,2
Сут, минг тонна	807,7	872,3	932,4
Тухум, миллион дона	1046,6	1205,7	1343,3
Жун (соф толага айлантириб ҳисобланганда), минг тонна	17,7	17,7	18,2
Пилла, минг тонна	31,6	334	33,0

Асосий чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш йиллик плани бажарилди. Бироқ Қашқадарё ва Самарқанд областларида чорва ва парранданы; Қорақалпоғистон АССРда, Жиззах, Сирдарё областларида тухумни; Қорақалпоғистон АССРда, Фарғона ва Хоразм областларида жунни давлат йўли билан харид қилиш 1986 йилга нисбатан камайди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

Озиқ-овқат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар қуйидагилардан иборат:

	1987 йилда ишлаб чиқарилгани	йиллик планнинг бажарилиш процента	1987 йилда 1986 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), минг тонна	252	94	105
Колбасалар, минг тонна	55,0	102	102
Сариёғ, минг тонна	14,9	103	103
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, минг тонна	617	108	105
Маргарин маҳсулоти, минг тонна	29,5	102	111
Ўсимлик ёғи, минг тонна	510	103	100,3
Макаронлар, минг тонна	78,9	103	104
Кондитер маҳсулотлар, минг тонна	173	98	102
Консервалар, миллион шартли банка	1135	108	108
Минерал сув, миллион декалитр	10,5	100,2	100,2
Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр	16,1	95	109

Арақ ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш аввалги йилга нисбатан 36 процент камайди.

(Давоми тўртинчи бетда).

БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

(Давоми. Боши биринчи, учинчи бетларда).

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг корхоналари истеъмолчиларга умуман 145 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКАВИЙ БАЗАСИ

Пахта териш машиналари ва тракторлар, трактор плуглари ва культиваторлар, сеялкалар планда кўзда тутилганидан кўпроқ, пресс-подборшчиклар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик машиналари камроқ етказиб берилди.

1,4 миллион тонна (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисобланган) ёки аввалги йилга нисбатан 129 минг тонна кўп минерал ўғитлар, 6,9 минг тонна ёки аввалги йилга нисбатан 1,3 минг тонна кўп озуқабоп химиявий қўшимча моддалар етказиб берилди.

Республика корхона ва ташкилотларини ишлаб чиқаришт-техника маҳсулотлари билан улгуржи савдо тарзида таъминлаш бошланди.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга капитал маблағ сарфлаш 3,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Шу маблағнинг 3 миллиард сўми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, шу жумладан 1,4 миллиард сўми мелиорация қурилишига сафарланди.

161 минг бош мол, 149,8 мингта парранда боқиладиган чорвачилик бинолари, механизациялашган фермалар ва комплекслар, 76,4 минг куб метр сиғимли силос ва сенаж иншоотлари қурилди. Бир йўла 36,6 минг тонна картошка, сабзавот ва мева сақланадиган омборхоналар ишга туширилди. Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона областлари шу объектларни ишга туширишни топшириқлари бажарилишини таъминламадилар.

Давлат маблағи ҳисобидан 36,2 минг гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланиш учун топширилди, 230 минг гектар яйловга сув чиқарилди, 116,3 минг гектар мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 79,5 минг гектар майдондаги мавжуд суғориладиган ерлар яхшилаб текисланди, 195,5 минг гектар майдондаги суғориш системалари қайта қурилди ва уларнинг сув таъминоти оширилди, 1 миллион гектар майдонда илгари сув чиқарилган яйловлардаги сув хўжалиги иншоотлари реконструкция қилинди.

Чорвачилик ва озуқа тайёрлаш учун керакли машина ҳамда ускуналар, минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Қайта ишлаш тармоқларида қувватлари номенклатураси давлат планига киритилган 13 та объект ишга туширилди. Улар орасида қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарадиган қувватлар, шунингдек элеваторлар, омихта ем корхоналари бор.

Айни вақтда буюртмачиларнинг айби билан эҳтиёт қисмлар, қўйма пўлат ва қўйма алюминий, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқарувчи қувватларнинг ишга туширилиши таъминланмади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1986 йилга нисбатан 74 миллион сўмлик кўп **асосий фондлар** ишга туширилди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига сарфланган **капитал маблағ** 7,2 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат корхоналари ва ташкилотлари асосий фондларни ишга тушириш топширигини 87 процент ва капитал маблағларни ўзлаштириш топширигини 96 процент бажарди.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари **комплекслар** юзасидан белгиланган планни қандай бажарганлиги ва асосий фондларни ишга туширишнинг ўсиш суръатлари қуйидаги маълумотларда кўриниб турибди:

	йиллик планнинг бажарилиш процента	1987 йилда 1986 йилга нисбатан процент ҳисобида
Ёқилғи-энергетика комплекси	85	106
Металлургия комплекси	65	63
Машинасозлик комплекси	74	83
Химия-ўрмон комплекси	49	42
Агросаноат комплекси	88	104
Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министрлиги қўшиб ҳисобланган)	86	136
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	58	105

Хоразм областининг Хива шаҳрида ва Бухоро областининг Ромитан районида ғишт заводлари, шу областнинг Қоракўл районида йигирув фабрикаси, шунингдек пойабзал фабрикаларининг ва районлараро босмахоналарнинг бир қанча филиаллари ишга туширилди.

Янги Ангрен ГРЭСида ва Тахиатош ГРЭСида янги турбиналар, Бекобод шаҳридаги Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида ва Жиззах аккумулятор заводида янги қувватлар ишга туширилди. Жиззах областидаги Обручево станциясида деворбоп керамика материаллари заводида ғишт ишлаб чиқарадиган, Бухоро тўқимачилик комбинатида тайёр газлама, Самарқанд трикотаж фабрикасида ички трикотаж ва Фарғона областининг Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув ишлаб чиқариш бирлашмасида пайпоқ тайёрлайдиган қувватлар ишга туширилди.

Айни вақтда буюртмачиларнинг айби билан Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида кучсиз азот кислотаси, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасида цемент, Тошкентдаги 5-йирик панелли уйсозлик заводида, Фарғона, Қаршидаги темир-бетон заводларида йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар, Шовот ғишт заводида ғишт ишлаб чиқарадиган қувватларнинг ишга туширилиши таъминланмади. Жиззах пайпоқ фабрикасида пайпоқ ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилмай қолди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган **пудрат ишлари** ҳажми 2 процент, қурилиш комплекси ташкилотларидаги ишлар ҳажми 5 процент, меҳнат унумдорлиги қурилиш-монтаж ташкилотларида 0,2 процент ва қурилиш комплекси ташкилотларида 4,5 процент кўпайди. Ишлар ҳажмини оширишда меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг улуши 75 процентни ташкил этди.

Қурилишда қайта қуриш секинлик билан амалга оширилмоқда. 8 та асосий пудратчи министрлик ва идораларнинг фақат ярмиси планни уддалади.

Жами қурилиш-монтаж ташкилотларининг салкам 34 процента пудрат ишлари ҳажми юзасидан белгиланган планни, ҳар икки қурилиш ташкилотидан бири меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган планни бажармади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ўрта Осиё темир йўлининг Ўзбекистон территориясида жойлашган **бўлимлари** юк жўнатиш йиллик планини умуман 100,5 процент бажарди, бироқ тошкўмир, минерал ўғит ва бошқа турдаги юкларни жўнатиш плани бажарилмади. Темир йўлнинг бир қанча бўлимларида ҳаракат составидан фойдаланиш ёмонлашди, вагонларнинг нормадан ортиқ туриб қолишига йўл қўйилди.

Ҳаво транспортида 5,5 миллион пассажир ташилди. 5,1 миллион гектар қишлоқ хўжалик экинзорлари авиация ёрдамида химиявий дориланди.

Автомобиль транспортида халқ хўжалигининг планга нисбатан 18,3 миллион тонна кам юк ташилди. Умумий фойдаланишдаги автобусларда ва енгил таксомоторда пассажир ташишдан олинган даромадлар 436,6 миллион сўмни ёки планга нисбатан 101,5 процентни ташкил этди. Ҳаракат составидан қониқарсиз фойдаланилди, автомобиллар ишга яроқли ҳолатда, шунингдек ремонт пайтида ва ремонт кутиб бекор туришига йўл қўйилди.

Шаҳар электр транспортида 481 миллион пассажир ёки 1986 йилга нисбатан 21 миллион кўп киши ташилди.

Метрополитен йўлининг узунлиги 3 километрдан зиёд кўпайди. Бухорода троллейбус қатнай бошлади.

Алоқа корхоналари асосий фаолиятдан даромад олиш планини 101,8 процент бажарди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олинган даромад 7,2 процент кўпайди.

IV. Социал ривожланиш ва халқ турмуш дарасининг ошиши

Аҳоли сони 1988 йил бошларида 19,6 миллион кишига етди. 1986-1987 йилларда республикада аҳолининг энг юқори даражада ўсиши қайд этилди — 1981-1985 йиллардаги 466 минг киши ўрнига йилига ўрта ҳисобда 544 минг киши кўпайди. Айни вақтда ўлим, шу жумладан болаларнинг нобуд бўлиши кўрсаткичлари ўтган йил даражасида қолди, натижада келгусидаги ўртача умр ошмади ва 68 ёшни ташкил этди. 1000 аҳоли ҳисобига 1986 йилдаги 37,8 ўрнига 36,9 чақалоқ туғилди.

МЕҲНАТ ҲАҚИ ВА АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

Ишчи ва хизматчиларнинг халқ хўжалигидаги пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 1986 йилга нисбатан 2 процент кўпайиб, 169 сўмга етди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи 130 сўмни ташкил этди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида кўзда тутилган тадбирлар ниҳоясига етказилиши натижасида умумий таълим мактаблари ўқитувчиларининг ҳамда ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари муаллимларининг иш ҳақи ошди.

Гўдаклар уйлари ва болалар уйлари ҳамда етим болалар ва ота-онасининг васийлигисиз қолган болалар интернат-мактаблари ходимларининг меҳнат ҳақи юзасидан оладиган имтиёзлари кенгайтирилди.

Лойиҳа-қидирув, лойиҳа-қидирув ташкилотларида ҳамда халқ хўжалигининг бошқа баъзи тармоқларида узоқ йил ишлаганлиги учун бир йўла ҳақ тўлаш жорий этилди.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ходимларининг иш ҳақини ошириш давом эттирилди.

1987 йил сентябрида олий ўқув юртлари ходимларининг иш ҳақи оширила бошланди.

Ишчи ва хизматчиларнинг кўп сменали иш режимига ўтишдан манфаатдорлигини ошириш учун тунги вақтда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш билан бирга саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларида кечки сменадаги иш вақти учун устамалар жорий этилди, маънавий ва моддий рағбатлантириш имкониятлари кенгайтирилди. Новвойхона ва макарон саноати корхоналарининг ходимларига тунги вақтдаги иш учун устамалар оширилди.

Республика аҳолиси ижтимоий истеъмол фондларидан 7 миллиард сўмдан кўпроқ, яъни 1986 йилга нисбатан 0,3 миллиард сўм кўп тўлов ва имтиёзлар олди. Шу тўлов ва имтиёзларни қўшиб ҳисоблаганда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 252,3 сўмга етди.

Болаликдан инвалид бўлиб қолган кишилар нафақаларининг миқдори оширилди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар белгиланди, келин-куёвлар никоҳдан ўтган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида кам жон оилали гражданлардан олинадиган солиқни улардан ундириш бекор қилинди. Ишчилар, хизматчиларга ва уларнинг оилаларига ўн йил ва ундан кўпроқ вақт муқаддам тайинланган пенсияларнинг миқдорини кўпайтириш давом эттирилди.

Етим болаларга ҳамда ота-онасининг васийлигисиз қолган болаларга тарбия, таълим бериш ва уларни моддий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш тадбирлари амалга оширилди. Олий ўқув юртлари студентлари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари, аспирантлар бир қанча категорияларининг моддий ва уй-жой, маиший шароитлари даражаси оширилди.

Бемор болани боқиш учун ҳақ тўланадиган вақт муддати 14 кунгача узайтирилди.

Давлат ички заёмлари облигацияларининг ҳақи қайтариб бериб турилди.

Меҳнаткашлар омонат кассалардаги ўз омонатларини 453 миллион сўмдан зиёд ошиردилар.

АҲОЛИНИ МОЛЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти 13,9 миллиард сўмни ташкил этди ва 1986 йилга нисбатан (амалдаги нархларда) 131 миллион сўмлик миқдорда камайди. Аҳолининг қондирилмаган талаби ошди.

Умуман республикада товар оборoти плани умумий ҳажм бўйича 874 миллион сўм, спиртли ичимликлар сотишни ҳисобга олмаганда 822 миллион сўм миқдорида кам бажарилди. Қорақалпоғистон АССРда, областларда ва Тошкент шаҳрида умумий ҳажм бўйича ҳам, шунингдек спиртли ичимликлар сотишни ҳисобга олмаганда ҳам план адо этилмади.

Спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва сотиш камайтириб борилди. Бундай ичимликлар 1986 йилга нисбатан 26 процент кам сотилди. Чакана товар оборотининг структураси яхшиланди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ва ноозиқ-овқат товарларини реализация қилиш 0,5 процент (таққослама нархларда) кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосида айрим товарлар қанча сотилганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин (таққослама нархларда; миллиард сўм):

	1987 йилда сотилгани	1987 йилда 1986 йилга нисбатан процент ҳисобида
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	1,2	107
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	0,1	98
Сарёғ	0,1	110
Ўсимлик ёғи	0,2	100,3
Маргарин маҳсулоти, миллион сўмлик	43	105
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти	0,2	107
Пишлоқ, миллион сўмлик	17	110
Тухум	0,1	105
Қанд-шакар	0,2	103
Кондитер маҳсулотлари	0,4	104
Чой	0,2	105
Нон маҳсулотлари, миллион тонна	3,0	103
Картошка, миллион тонна	0,4	96
Сабзавот, миллион тонна	0,6	92
Мева ва цитрус мевалар, миллион тонна	0,1	106
Спиртсиз ичимликлар, миллион декалитр	12	112
Минерал сувлар, миллион декалитр	9	106
Мева ва сабзавот шарбатлари, миллиард шартли банка	0,1	103
Тамаки маҳсулотлари	0,2	99,9
Кийим-кечак, ички кийим ва газламалар	2,0	88
Пайпоқлар	0,1	103
Чинни-фаянс, майолика ва шиша идишлар	0,1	105
Совун ва синтетик кир ювиш воситалари	0,1	104
Мебель	0,3	104
Холодильник ва морозильниклар минг дона	133	99,2
Шу жумладан, камерасининг сиғими 200 куб дециметр ва ундан кўпроқ бўлганлари	58	100,1
Кир ювиш машиналари, миллион дона	0,2	102
Электр пилесослар, миллион дона	0,1	106
Соатлар, миллион дона	1,7	102
Фотоаппаратлар, миллион дона	0,1	110
Радиоприёмник қурилмалари, миллион дона	0,3	116
Телевизорлар, миллион дона	0,3	96
Шу жумладан, рангли тасвирдаги телевизорлар	0,1	104
Магнитофонлар, миллион дона	0,2	110
Велосипед ва мопедлар, миллион дона	0,4	106
Мотоцикл ва мотороллерлар, миллион дона	0,1	108
Енгил автомобиллар, миллион дона	0,1	108
Ёғоч-тахта, миллион кубометр	1,5	126
Шифер, миллиард шартли тахта	0,4	117
Автомобиль бензини, миллион тонна	0,5	124

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари — ўсимлик ёғлари, макарон маҳсулотлари, нон, тухум савдосини нормаллаштириш имконини берди. Аммо уларнинг турлари ҳамиша ҳам аҳолининг талаб-эҳтиёжларига мос келаётгани йўқ.

Гўшт ва сут маҳсулотлари реализация қилиш кўпайганига қарамай, аҳолини шундай маҳсулотлар билан таъминлашда тақчилликни бартараф этишга муваффақ бўлинмади.

Аҳолини картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам аҳвол қониқарсиз бўлди, бу маҳсулотларнинг хиллари ва сифати аҳолининг талаб-эҳтиёжига мувофиқ бўлмади. Колхозлар, совхозлар ва матлубот кооперацияси шу маҳсулотларни бозорларда сотиши тегишли тарзда йўлга қўйилмади. Бозор савдосида нархлар ҳамон юқори бўлиб қолмоқда.

Аҳолининг кийим-кечак, трикотаж буюмларнинг кўпгина турларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти, савдода пойабзал ҳамон жуда тақчил бўлиб қолмоқда. Шу товарларга бўлган эҳтиёж ва таклифда ассортимент-сифат номутаносиблиги мавжуд. Савдода эскириб қолган фасон, модель ва конструкциядаги 149 миллион сўмлик касод моллар йиғилиб қолган.

Савдо ташкилотлари ички резервлардан ресурсларни жалб этиш ҳисобига товарлар сотишни кенгайтиришга доир тегишли чораларни кўрмаяптилар. Ноозиқ-овқат моллари комиссион савдоси қониқарсиз ривожлантирилмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг ишбоп чиқитларини, нокондиция буюмларни сотиш етарлича ташкил қилинмаган. Фақат 25 та магазин шундай маҳсулотни сотмоқда, шуларнинг атиги 11 таси ихтисослаштирилган магазиндир.

Ёғоч-тахта ва бинокорлик материаллари савдога кўпроқ чиқабошлади. 1986 йилга нисбатан уларни сотиш 1,3 баравар кўпайди. Маҳаллий бинокорлик материаллари сотиш юзасидан 1987 йилга белгиланган топшириқ 105 процент бажарилди, аммо аҳолининг талаб-эҳтиёжи, айниқса маҳаллий бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжи ҳали тўла қондирилаётгани йўқ.

Аҳолига қилинган пулли **хизмат ҳажми** 1,4 миллиард сўмликни ташкил этди ва 1986 йилга нисбатан 9,2 процент ошди. План 88,9 процент бажарилди. Биронта ҳам область, шунингдек Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри топшириқни уддалай олмади. 132 та министрлик ва идорадан 114 тасига қарашли корхона ҳамда ташкилотлар аҳолига пулли хизмат қилиш планларининг бажарилишини таъминламадики, булар орасида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг корхона ва ташкилотлари бор.

Аҳолининг ҳар хил пулли хизматга бўлган талаб — эҳтиёжларини қондиришда вужудга келган номутаносибликлар бартараф этилмай қолди. Бундай хизмат жами ҳажмининг учдан икки қисмидан кўпроғи маиший, уй-жой-коммунал ва транспорт хизматига тўғри келади.

Корхоналарда пулли хизмат соҳаси етарлича ривожлантирилмади, бу хизматларнинг жуда катта қисмини анъанавий хизмат турлари ташкил этади. Иш жойларида физкультура ва спорт, клуб ҳамда маданий-маърифий муассасалар ниҳоятда кам хизмат кўрсатишмоқда.

Маиший хизмат ҳажми 509,3 миллион сўмликни ташкил этди ва 1986 йилга нисбатан 13,8 процент кўпайди. План 98,3 процент бажарилди. Бухоро, Наманган, Фарғона областлари ва Тошкент шаҳридан ташқари, Қорақалпоғистон АССР ҳамда областларнинг кўпчилиги планнинг бажарилишини таъминламади.

Аҳоли айрим маиший хизмат турларида (уй-жойлар, мебелларни, мураккаб рўзғор техникасини, автомобилларни, кийим-кечак, трикотаж буюмлари ва бошқаларни ремонт қилишда) ҳамон қийинчиликларга дуч келмоқда. Буюртмаларни бажариш муддати чўзилиб кетаётганлиги ва улар сифатсиз бажарилаётганлиги хусусида аҳолидан жуда кўплаб шикоят тушмоқда. Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражаси паст.

Маиший хизмат корхоналари икки йилдан буён хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлаётганига қарамай, хўжалик ҳисоби, бригада пудрати, шартнома системаси ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бошқа формалари ҳали суст жорий этилмоқда.

Меҳнат фаолиятининг кооператив ва якка тартибдаги формалари аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда давлат системасида муҳим қўшимча бўлиб қолиши лозим.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан уй-жой қурилиши плани ошириб бажарилди ва уй-жойларни фойдаланишга топшириш 1986 йилга нисбатан 9 процент ўстирилиши таъминланди, аммо умуман пул билан таъминлашнинг барча манбалари юзасидан республикада уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилмай қолди, аҳоли маблағлари ҳисобидан уй-жой қурилишида айниқса катта қолоқликка йўл қўйилди.

Республикада давлат капитал маблағлари ҳисобидан уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини бажаришда Ўзптицепром, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги, шунингдек, Жиззах область ижроия комитети билан Тошкент шаҳар ижроия комитети белгиланган топшириқни уддаламадилар.

Агросаноат комплекси ходимлари учун уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида жами саҳни 1,4 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қуриб берилди.

Республиканинг **уй-жой** фонди жами саҳни 1987 йил охирларида 215,7 миллион квадрат метрни ташкил этди. Ҳозир ўрта ҳисобда ҳар бир аҳолига 11 квадрат метр умумий майдон, шу жумладан 7,8 квадрат метр турар жой майдони тўғри келади. Шу билан бирга, 1987 йилда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларида, корхоналар ва ташкилотларда, шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларида уй-жой шароитларини яхшилаш учун 240 минг оила ва ёлғиз киши рўйхатга олинди ва ҳисобда турди.

Саҳни 2,5 миллион квадрат метрга яқин 44 мингтадан кўпроқ квартира капитал ремонтдан чиқарилди. Бунда жами саҳни 624,2 минг квадрат метр ҳисобидаги салкам 11 мингта квартира капитал ремонт маблағлари ҳисобидан янгиланди, шу жумладан реконструкция қилинди, бу эса 60 мингдан кўпроқ кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини берди.

Бир қанча министрликлар ва идоралар (Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва бошқалар) уй-жой фондини капитал ремонт қилиш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармади. Жуда эскириб қолган ва авария ҳолидаги уй-жойларни тугатиш планлари бажарилмаяпти. Умуман республикада шарти кетиб парти қолган (жуда эски) ва авария ҳолидаги салкам 1,3 миллион квадрат метр саҳнли тураржойлар мавжуд бўлиб (бу давлат, жамоат уй-жой фонди ва уй-жой қуриш кооперативлари фондининг 2 процентини ташкил этади), уларда 96 мингдан кўпроқ киши яшамоқда.

ХАЛҚ МАОРИФИ ВА МАДАНИЯТ

6,5 миллион киши таълимнинг ҳар хил турлари билан қамраб олинган.

Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотига мувофиқ, болалар олти ёшдан мактабга қабул қилинди. 1987/88 ўқув йилида олти ёшли болаларнинг 46 проценти, шулардан 31 минг нафари мактабгача тарбия муассасаларида биринчи синф программасига мувофиқ ўқитилмоқда.

1987 йилда 366,8 минг йигит-қиз ўрта маълумот олди.

Мактабгача тарбия доимий муассасаларида бир миллиондан кўпроқ бола ёки тегишли ёшдаги болаларнинг салкам 34 проценти тарбияланмоқда. Бунда 100 мингдан кўпроқ бола белгиланган санитария нормаларига хилоф равишда мактабгача тарбия муассасаларига қатнамоқда ва 124 минг бола мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштирилиши зарур.

Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 190,3 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 11,9 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 55,8 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 14,4 минг ўринли клублар ва маданият уйлари фойдаланишга топширилди. Давлат капитал маблағлари ҳисобидан умумий таълим мактабларини фойдаланишга топшириш 1986 йилга нисбатан 4 процент, ҳунар-техника билим юртларини фойдаланишга топшириш 52 процент ва мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш 17 процент кўпайди. Мазкур объектларни (клублар ва маданият уйларидан ташқари) фойдаланишга топшириш плани бажарилди.

Навоий областида умумий таълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларини, Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм областларида клублар ҳамда маданият уйларини фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган планнинг бажарилиши таъминланмади.

Олий ўқув юртлари 39,2 минг мутахассис, ўрта махсус ўқув юртлари эса 90,4 минг мутахассис тайёрлади.

1987 йилда ўрта махсус ўқув юртлари 108,9 минг ёки 1986 йилга нисбатан 2,5 процент кўп ўқувчи қабул қилди. Олий ўқув юртларига студентлар қабул қилиш аввалги йилга нисбатан ўзгармади ва 63,5 минг кишини ташкил этди.

1987 йилда салкам 45 миллион нусха китоб ва брошюра нашр этилди.

Китоб фонди 88 миллион нусхадан ошадиган 7,8 мингта оммавий кутубхона, шунингдек 4,5 мингта клуб муассасаси, 6 мингтадан кўпроқ киноустановка аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб бормоқда.

Бир йил мобайнида киносеансларга келганлар сони 167 миллион кишини ташкил этди ёки ҳар бир аҳолига ўрта ҳисобда 9 мартадан тўғри келди. Аҳолисига йил мобайнида ҳам кинофильмлар кўрсатилмаган бир қанча катта аҳоли пунктлари ҳамон мавжуддир.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

67,8 минг врач ва 197,6 минг нафар ўрта медицина ходими аҳолига медицина ёрдами кўрсатди; ҳар бир врачга 289 аҳоли, ҳар бир медицина ҳамширасига (фельдшер ва бошқаларга) эса 99 аҳоли тўғри келди. Касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари тармоғи кенгайди.

Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 4,6 минг ўринли касалхоналар ва ҳар сменада 12 минг беморни қабул қилувчи амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди. Республикада давлат капитал маблағлари ҳисобидан шу муассасаларни ишга тушириш плани бажарилди. Айни вақтда Қорақалпоғистон АССРдаги ва Навоий областидаги ташкилотлар касалхоналарни, Навоий ва Жиззах областларининг ташкилотлари эса амбулатория-поликлиника муассасаларини фойдаланишга топшириш планини бажаришда жиддий қолоқликка йўл қўйдилар.

Грипп ва нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари, сил касали билан оғриш камаймади, турмушда лат ейиш ҳоллари кўпайди. Бетоб бўлиш, шунингдек бемор болаларни парвариш қилиш сабабли зое кетган иш вақти 42 миллиондан кўпроқ иш кунини ташкил қилди. Шу сабабларга кўра ҳар бир ишловчи йил мобайнида ўрта ҳисобда 7 кун ишга чиқмади.

Аҳолининг юқори малакали медицина ёрдамига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш даражаси анча орқада қолмоқда. Медицина муассасаларининг моддий-техника базаси жиддий равишда мустаҳкамланиши зарур.

Меҳнат муҳофазасига сарфланаётган харажатлар оширилган бўлишига қарамай, ишлаб чиқаришда лат ейиш даражаси пасаймади.

Санаторийлар ва дам олиш муассасалари тармоғини ривожлантириш давом эттирилди. Уларда даволанган ва дам олганларнинг умумий сони 2 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди. Шу билан бирга, аҳолининг уюшган ҳолда дам олишга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмади, ихтисослаштирилган санаторийлар тармоғи етарлича ривожлантирилмади, маҳаллий аҳамиятдаги курортлар секинлик билан фойдаланишга топширилди.

Спорт иншоотлари тармоғи кенгайтириб борилди. Айни вақтда спорт иншоотлари, шунингдек спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминланиш даражаси етарли эмас. Жисмоний тарбия аҳолининг кундалик турмушига қониқарсиз жорий этилди. Иш билан банд аҳолининг фақат учдан бир қисми физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларининг булғанишини камайтириш, сув ва ер ресурсларидан яна ҳам оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда қайта тиклаш соҳасида тегишли ишлар амалга оширилди.

Республиканинг саноат марказларида атроф муҳитни муҳофаза қилишни яхшилашга оид қўшимча чоралар амалга оширилиши устидан контроллик кучайтирилди.

Доимий манбалардан ҳавога зарарли моддаларни чиқариб ташлаш 1986 йилга нисбатан 130 минг тоннадан зиёд камайди. Сувдан ишлаб чиқариш эҳтиёжларида фойдаланишни камайтириш учун суткасига 1,2 миллион куб метр айланма сув ишлатиш қувватига эга бўлган айланма ва такрорий сув таъминоти янги системалари ишга туширилди.

1987 йилда табиатни муҳофаза қилишга оид барча тадбирлар учун 87,9 миллион сўм давлат капитал маблағи ажратилди (республика ўрмон хўжалигини юритишга сарф-харажатлар бу ҳисобга кирмайди).

Табиатни муҳофаза қилувчи ғоят муҳим объектларни қуриш ва фойдаланишга топшириш чоғида қолоқликка йўл қўйилди. Шу тадбирларга ажратилган давлат капитал маблағлари лимити 8,5 миллион сўм кам ўзлаштирилди. СССР Химия саноати министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети корхоналарида пландаги қурилиш ишларини бажаришда талайгина қолоқликка йўл қўйилди.

Ишлаб чиқаришнинг технология режимини бузиш айрим ҳоллари ҳамон мавжуд бўлиб, бунинг натижасида атроф муҳитга каттагина зиён етказилмоқда. Ўзбекистон ССР Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси ҳавога зарарли моддаларни чиқариб ташлаш нормативлари ошиб кетганлиги сабабли бир қанча корхоналарда технология машина-ускуналаридан фойдаланишни тақиқлади, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар бузилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги корхоналаридаги айрим цех ва участкалар ишини тўхтатиб қўйди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили тугади. Мамлакат қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйди. 1988 йилнинг 1 январидан давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни амал қила бошлади.

Меҳнат коллективлари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўра бориб, ўз куч-ғайратларини беш йиллик учинчи йили планларининг бажарилишини таъминлашга сафарбар этмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

Р. — 08509. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. — 25. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12